Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 87 (20. 954) 1991 йил 8 май, чоршанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ЖИГАРИСТОН:

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҲАМДАРДЛИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Жигаристондаги фожиа тўғрисидаги хабар Туркманистонда жуда ачиниб ва алам билан қутиб олинди. Жумҳурият раҳбарияти, Туркманистон Компартияси Марказий Комитети, барча меҳнаткашлари номидан ва шахсан ўз номимдан ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва қариндошларига, бутун ўзбек халқига шу қайғули кунда чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

Туркманистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. А. НИЁЗОВ.

●

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Ангрен шаҳрининг Жигаристон қўрғонидаги табиий офатни, натижада одамлар аянчли равишда қурбон бўлганини ва иморатлар бузилганини эшитиб қаттиқ қайғурдим. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва қариндош-уруғларига, офатдан жабр кўрган аҳолига чин кўнгилдан ҳамдардлик изҳор қиламан.

Тожикистон ССР Президенти Қ. МАҲКАМОВ.

●

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

Муҳтарам Президент жаноблари, республикада содир бўлган табиий офат ва оғир фожиа — одамлар қурбон бўлганлиги, жуда катта зиён кўрилганлиги муносабати билан Молдова халқи номидан ва шахсан ўз номимдан сидқидилдан таъзия изҳор этишга ижозат бергайсиз. Шу қайғули кунларда дилимиз ва руҳимиз Сиз билан ҳамдам эканига ўзбек халқини ишонтирамиз. Шу ҳурматли ва қадимий халққа хос бўлган ақл-заковат, сабр-матонат ва мардлик туфайли бу қулфатни бартараф этишга муваффақ бўлинади, деб ишонамиз. Ҳалок бўлганларнинг оилалари, қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлигимизни топширишингизни сўраймиз.

Ҳурмат ила

Молдова ССР Олий Кенгашининг Раиси Александру МОШАНУ.

●

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Жигаристон қўрғонидаги фожиали воқеалар муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқларига астойдил ҳамдардлик ҳамда қариндошлари ва ёр-биродарларидан жудо бўлган оилаларга таъзия билдирамиз.

СССР Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири Н. Н. ВОРОНЦОВ.

●

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

ЮНЕСКОнинг «Буюк ипак йўли — мулоқот йўли» шиори остида ўтаётган ва ҳозир Ўзбекистон ҳудудида турган халқаро экспедицияси Ангрендаги фожиали воқеаларни эшитиб жуда афсусланди. Бу хабар экспедициянинг барча аъзоларини беиҳоя ачинтирди, биз Ўзбекистоннинг барча халқлари билан биргаликда чуқур мотам тутамиз ва қариндошларидан, ёр-биродарларидан жудо бўлган барча оилаларга самимий ҳамдардлигимизни изҳор этишингизни сўраймиз.

Лойиҳанинг мувофиқлаштирувчиси Дьен ДУДУ.

Экспедициянинг илмий раҳбарлари — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. АСҚАРОВ ва профессор А. Х. ДАНИ.

●

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, республикангиз бошига тушган ва оғир оқибатларга сабаб бўлган табиий офат муносабати билан бутун Ўзбекистон халқи билан бирга чуқур мотам тутамиз. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига, Тошкент вилояти Ангрен шаҳри яқинидаги жойда юз берган кўчки натижасида жабрланганларга астойдил ҳамдардлигимизни топширгайсиз.

СССР Олий Кенгашининг Ўзбекистон ССРдан сайланган аъзолари М. З. ЗОКИРОВ, Т. ОМОНОВ, И. М. САИДАҲМЕДОВ, А. А. КОРШУНОВ, М. И. УМАРХЎЖАЕВ, А. ШЕРАЛИЕВ, В. Т. ОДИЛОВ, О. И. КРИКУНОВА.

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР, ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Тошкент вилоятининг Жигаристон қўрғонида ер кўчиб, натижада одамлар ҳалок бўлганлиги, жароҳатланганлиги ва моддий зиён кўрганлиги тўғрисидаги хабарни алам билан ачиниб ўқидим.

ВСР ҳукумати, Вьетнам халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон халқига ҳамда жабрдийдаларнинг оилаларига чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

До МИОЙ. Вьетнам Социалистик Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси.

●

Ангрен шаҳри яқинидаги Жигаристон қишлоғида юз берган ва одамлар қурбон бўлишига олиб келган табиий офат — тупроқ силжиши муносабати билан Афғонистон, Ҳиндистон, Ливия, Монголиянинг Тошкентдаги Бош консулхоналари, шунингдек чет эл фирмаларининг ваколатхоналари Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон халқига самимий ҳамдардлик билдирди. Улар ҳалок бўлганларнинг оилалари ва қариндош-уруғларига, жабрланган барча аҳолига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиришни илтимос қилдилар. (ЎзТАГ).

МАДАД

Ҳар галгидек, бу тонгдан ҳам яхшилик умидвор эдик, элим! Не қисматки, юрагимизга армон чўкди. Жигаристон — бирданига портлади бу сўз. Қайғуга айланди. Доғга айланди. Шунча йўқотиш етмагандек, шунча азоб етмагандек, яна бир кўргилик. Азиз жигаристонлик биродарлар, «Шарқ юлдузи» ойномасининг меҳнат жамоаси дардингизга шерик. Бошингизга қайтиб қайғу тушмасин.

Жамоамиз бир кунлик даромадини Жигаристон жамғармасига ўтказди.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ОЙНОМАСИНИНГ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ.

* * *

Ташвишли ҳолат минглаб футбол мухлисларининг ҳам руҳиятига таъсир қилди. «Пахтакор» марказий ўйинғоҳида бўлиб ўтган учрашув чоғида ишқибозлар ҳар галгидек яйраб, қувнаб, эҳтиросларга берилишмади.

Учрашувни кўргани қардош Тожикистоннинг шаҳар-қишлоқларидан ҳам кўплаб мухлислар келишган эди. «Спутник» йўлланмаси билан меҳмон бўлиб турган тожикистонлик сайёҳлар табиий офатдан зарар кўрганларга ёрдам тариқасида 515 сўм ўтказишган экан. Кўп ўтмай навбатдаги хабар эълон қилинди. 12—13-секторлардан жой олган тожикистонлик футбол ишқибозлари ўзаро келишиб, Жигаристонга ёрдам учун 1263 сўм тўпланганини маълум бўлди. Бу борада тошкентликлар ҳам бўш келишмади. Биргина марказий секторда ўтирган кўпдан-кўп мухлислар 1795 сўм пул тўплаб беришди.

Ҳ. НОСИРОВ.

* * *

Эл бошига иш тушса ёрдам кўрсатиш, хайр-эҳсон тўплаш халқимизнинг азалий удумларидандир. Жигаристон қўрғонида рўй берган табиий офатдан зарар кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиляпти. Тошкент акционерлик-тижорат саноат-қурилиш банки фавқулодда бош қармаси кўнгилли равишда пул ўтказиш учун ҳисоб счети очди. Ҳисобга корхоналар, шунингдек фуқаролар ҳам пул ўтказишлари мумкин.

Счет №: 023700980. Ангрен шаҳар ижтимоий турар-жой банкининг жабрдийдаларига ёрдам ҳисоб счети № 000700752.

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИГА

Жигаристонда рўй берган фожиа тўғрисидаги хабарни алам билан эшитдик. Сизнинг мусибатингизга чин дилдан ҳамдардмиз. Таҳририят жамоаси ва муштарийларимиз номидан ҳалок бўлган кишиларнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига, бутун Ўзбекистон халқига чуқур таъзия билдирамиз.

Москва. «Гласность» ҳафтаномасининг таҳририяти.

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Қадрли Ислом Абдуғаниевич! Ўзбек халқи бошига тушган мусибат муносабати билан чуқур ҳамдардлигимизни, қардошларча таъзиямизни қабул қилгайсиз.

Расул ҲАМЗАТОВ.

●

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Бизнинг оиламиз табиий офат натижасида ҳалок бўлган кишиларнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ЙЎЛДОШЕВ, Тожикистон, Хўжанд шаҳри.

Оқибатли одамлар

ЕКИ ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ТУГАТИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ИШЛАР ХУСУСИДА

● Фожиа рўй берган жойга Жиззах, Сирдарё, Андижон, Қўқон, Марғилон ва бошқа жойлардан, қўшни районлардан қатор машиналар келиб турибди.

● Қардош Тожикистон вакиллари ҳамдардлик билдиришди.

Ангрендаги 9- шахта яқинидан Қурама тизма тоғининг ёнбағирлари бошланиб кетади. Эндиликда бу масканда узоқ-яқиндан келганлар ҳам анчагина. Юқорига кўтарилганимиз сайин одамлар ҳам, машиналар сони ҳам кўпайиб борарди. Дамба-дам ҳалок бўлганлар руҳига қилинаётган Қуръон тиловатлари кўнгилни эзар, юракни ларзага соларди. Рўпарада эса ўша тоғ вулқонни ўз сийнасида синаб кўргандай ўпирилиб ётарди.

— Кўчки сурилиши бир зумда содир бўлди, — дейди фожиани ўз кўзи билан кўрган Кўчқор ака Абдураҳмонов. — Чанг-тўзон кўтарилди-ю, қандайдир қўрқинчли товуш эшитилди. Уйимиз рўпарада, баланд тепаликда бўлгани учун ҳам кўчки менга росмана кўриниб турарди. Тупроқ уюмлари (200 минг куб метрдан зиёдроқ) жуда тез, катта босим билан сойдан ўтиб саккиз хонадонни кўмиб юборди. Бу синоат кўз очиб юмгунча давом этгани сабабли ҳеч ким ундан қочиб қутилиша улгуролмади. Ўқувчилар мактабга, катталар ишга отланишарди. Орадан бир соат чамаси муддат ўтгач, кўчки остида қолган марҳумларнинг қариндошлари узоқ-яқиндан етиб кела бошлашди. Кетма-кет шаҳар, кейинроқ вилоят ва республика партия, совет ташкилотлари раҳбарлари етиб келишди...

Қўчқор ака ўз уйида мотам маросимини ўтказишга розилик берибди. Белини боғлаган қирқ беш-эллиқ чоғли киши таъзияга келганларга миннатдорчилик билдириб турибди.

— Ҳозиргина Андижон шаҳар Кенгашидан вакиллар келиб кетишди, — дейди Ангрен шаҳар Кенгаши ижроия комитетининг раиси А. Алиқулов. — Озиқ-овқат, кийим-кечак ва 10 минг сўм пул олиб келишибди. Биз ҳукумат комиссияси қарорига биноан, 50 хонадонни янги уйларга кўчира бошладик. Улар ҳозирча шаҳарнинг Ханкарман даҳасида қурилган янги квартиралари худди шундай топшириқ олишди.

Биз турган тепаликдан қурилиш ишларининг қандай бораётгани яққол кўриниб турибди. Қишлоқнинг тор, эгри-бугри ёлғиз оёқ йўлкалари, асфальтланган кўчалари одамларни сиғдира олмасди. Ҳукумат комиссияси жойлашган штаб қурувчига ҳам, деҳқон-ишчига ҳам, белини боғлаган азадорга ҳам — ҳамма-ҳамма учун очиқ. Кўчқор ака хонадонида марказлаштирилган таъзияга Хўжанд шаҳри вакилларидан кейин тошкентликлар, қўқонликлар ҳамдардлик билдиргани келишди.

Ёнимизда бел боғлаб турган 3-ўрта мактаб директори Файзулла Раззоқовдан қишлоқ нима учун Жигаристон номи билан аталишини сўрадик.

— Қишлоқда асосан жигарлар, яъни бир-бирига энг яқин қариндош-уруғлар яшашган, — дейди у. — Менинг ҳам энг азиз жигарларим Иброҳим бувам, Лаъли бувим, кичик тоғам — 34 ёшли Рашид Матаев, унинг умр йўлдоши Муҳаббатхон, қизлари — тўрт-олти ёшли Дилобар ва Зуҳуморлар кўчки остида қолишди. Бу мусибатни албатта ёлғиз ўзим кўтаролмасдим. Яхшиям оқибатли одамлар бор экан. Қайғумга шерик бўлишди. Қишлоғимизга биринчилар қатори жумҳуриятимиз Президенти етиб келиб, халқни тўплаб маслаҳатлашдилар. Биз бунчалик кўнгил сўраб, ҳар қандай ёрдамга тайёр турганлардан бир умрга миннатдормиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ азадорларга 500 сўмдан пул улашилди.

...Штабда иш қизғин. Шаҳар Кенгашининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати С. Юсуфалиев табиий офат оқибатларини тугатиш борасида белгиланган тадбирлар ҳақида гапириб берди. Янги манзилгоҳ барпо этилаётган жойга кейинчалик Жигаристон номи берилади.

А. МАННОПОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.



Воқеа содир бўлган жойда. ЎзТАГ олган сурат.

9 МАЙ—БУЮК ҒАЛАБА КУНИ

● Ватанимиз учун қийин бўлган шу даврда Ғалаба куни мамлакатимиз барча халқлари хотирасининг ёрқин нурига айлансин!

● Бизгача яшаганлар ва биздан сўнг дунёга келадиган кишилар олдидаги муқаддас бурчимиз — мамлакатни парчаланишдан, бўлиб ташлашдан, ташқаридан ва ичкаридан бўладиган хуружлардан сақлаб қолишдан иборат.

1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалаба куни муносабати билан СССР Олий Кенгашининг

МУРОЖААТИ

Совет халқи, унинг Қуролли Кучлари иккинчи жаҳон урушида фашизмни тор-мор келтиришга асосий ҳисса қўшиб, мислсиз жасорат кўрсатди, буни Ер юзидаги холис ниятли барча кишилар тан олганлар.

Мамлакатимизда Улуғ Ватан урушидаги Ғалаба куни — 9 май қирқ беш йил давомида умумдавлат, умуммиллий байрам сифатида, ҳалок бўлганларнинг муқаддас хотираси сифатида, авлодларнинг миннатдорчилиги, барча миллатларга мансуб, сочларига оқ тушган жангчилар ва мамлакат ичкарисида меҳнат қилган кишиларга ҳурмат белгиси сифатида нишонлаб келинди. Шу куни биз гитлерчиларга қарши Иттифоққа бирлашган бошқа мамлакатларнинг халқлари ва жангчилари билан жанговар биродарликни миннатдорчилик билан эслаб келдик. Тарихимизнинг кўпгина саҳифалари ана шу буюк кун билан мунаввардир.

Шунга қарамай, айрим жойларда, сиёсий эҳтиросларга ва нафсониятга ҳаддан ташқари авжига чиққан шароитда Ғалабанинг аҳамиятини камситишга, Ғалаба байрамини унут қилиб юборишга интилиш пайдо бўлаётганини англаш аламлидир. Ҳалок бўлган жангчилар қабрлари вахшийларча таҳқирланмоқда, ёдгорликлар мурдор этилмоқда, халқнинг муқаддас жойлари бузиб ташланмоқда. СССР Олий Кенгаши бундай аҳволни маърифатли ҳуқуқий жамият барпо этишга ҳаракат қилаётган давлат учун номуносиб деб ҳисоблаб, барча даражадаги Советларга, мамлакатнинг ҳамма фуқароларига мурожаат қилади: халқнинг тарихий хотирасини — Ғалаба кунини ҳимоя қилайлик ва 1991 йил 9 майни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бутун ҳудудида нишонлайлик!

Биз барча миллатларга, барча авлодларга мансуб совет кишиларига мурожаат қиламиз: Улуғ Ватан урушининг ҳалок бўлган қаҳрамонлари хотирасига бош эгайлик, фахрийларга — Улуғ Ватан урушида қатнашган, мамлакат ичкарисида қаҳрамонона меҳнати билан Ғалабани таъминлаган, уруш вайрон қилган шаҳар ва қишлоқларни тиклаган эркаклар ва аёлларга ҳурмат бажо келтирайлик.

Шу кунда биз беихтиёр ёки ихтиёрий равишда миллатлараро можароларда қатнашган кишиларни оталари ва боболарининг васиятларига мурожаат қилишга даъват этамиз, уларнинг Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида кўп миллатли ягона ватанимизнинг озодлиги учун тўкилган қонини энди ҳеч қачон бир-биридан ажратиб бўлмайди. Уни хотирамизда ҳам ажратиш мумкин эмас, бинобарин, у бизни тинчлик ва тотувликка қатъият билан чорламоқда.

Барча ватандошларимизни мислсиз жанглар қатнашчиларининг мардлиги ва қаҳрамонлиги олдида таъзим қилишни, уларнинг қабрларига гуллар қўйишни, ёдгорликларни ҳимоя қилишни, ҳалок бўлганларнинг бевалари, фахрийлар тўғрисида ғамхўрлик қилишни урушнинг бепоён далаларида ҳамон ном-нишонсиз ётган жангчилар ҳокини аждодларимиз урф-одатига кўра дафн этишни илтимос қиламиз.

Совет Армиясига мурожаат қилиб, шу куни кўп миллатли давлатимизнинг бутун худудида Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига ҳарбий ҳурматни бажо келтиришни илтимос қиламиз.

Ватанимиз учун қийин бўлган шу даврда Ғалаба куни мамлакат барча халқлари хотирасининг софлиги ва даҳлсизлигини кун бизга ҳозир бошимизга тушган синовлардан фақат биргаликда, елкама-елка ўта олишимизни, бу синовларга бардош беришимиз ва ғалаба қилишимизни яна бир бор эслатсин. Халқ хотирасини таҳқирлашга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган, бутун иродамиз билан, қонунларимиз билан халқ хотирасининг софлиги ва даҳлсизлигини ҳимоя қилиш керак. Бизнинг Ватанимиз бир, бизнинг тарихимиз ҳам бир. Бизгача яшаганлар ва биздан сўнг дунёга келадиган барча кишилар олдидаги муқаддас бурчимиз — мамлакатни парчаланишдан, бўлиб ташлашдан, ташқаридан ва ичкаридан бўладиган хуружлардан сақлаб қолишдан иборат. Ҳаммамиз шу бурчни бажариш учун курашмоғимиз ва ишламоғимиз лозим.

СССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси

6 май куни Кремлда А. И. Лукьянов раислигида СССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди.

СССР Президенти ва тўққиз жумҳурият раҳбарларининг мамлакатдаги вазиятни тангликни бартараф этишга оид ҳеч кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги қўшма баёноти Раёсатнинг диққат марказида турди. Бу ҳужжат катта шов-шувга сабаб бўлганлиги, уни кўпгина жамоат ташкилотлари, касаба уюшмалари, оммавий харакатлар, жамиятимизнинг жуда кенг табақалари қўллаб-қувватлаганлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. СССР Олий Кенгаши Раёсати қўшма баёнотни Иттифоқ ва жумҳуриятлар раҳбарларининг мамлакатдаги сиёсий ҳамда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш соҳасидаги куч-ғайратларини бирлаштириш йўлидаги муҳим амалий қадам деб баҳолаб, бу ҳужжатнинг асосий қоидаларини рўёбга чиқариш юзасидан амалий чора-тадбирларни белгилади. Иттифоқ ва жумҳуриятлар қабул қилаётган қонунлар эришилган аҳдлашувларнинг мазмуни ва руҳига тўла-тўкис мувофиқ бўлиши учун СССР Олий Кенгашининг, Иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Кенгашларининг бундан буёнги бутун фаолиятини баённот билан чамбарчас боғлаб амалга ошириш зарурлигига эътибор қаратилди. СССР Олий Кенгашининг, Олий Кенгаш комитетлари ва комиссияларининг вазифаси Иттифоқ шартномаси тузилишига, СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга фаол кўмаклашишдан иборат эканлиги таъкидланди.

Мажлисда СССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси ишини давом эттириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

СССР қонунлари тўпламларини ва СССР Олий Кенгашининг бошқа ҳужжатларини нашр этиш тўғрисидаги, қабул этилган қонун ҳужжатларини матбуотда, телекўрсатув ва радио орқали тушунтириш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. СССР Олий Кенгаши қабул этаётган қонунлар ижрочиларга, СССРнинг барча фуқароларига ўз вақтида етиб бориши учун зарур шароитни яратиш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Мажлисда давлат турмушининг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

(ТАСС).

ВИЛОЯТ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ҚАРШИ, 7 май. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Ташкилий масала кўриб чиқилди.

А. Р. Отажонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан вилоят Кенгашининг раиси вазифасидан озод қилинди.

Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби Т. П. Хидиров халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси этиб сайланди.

Қамаши район партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаб турган Т. М. Каримов Қашқадарё вилоят ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

ҲАР БИР ХОНАДОННИНГ АЗИЗ МЕҲМОНИ

7 май куни Тошкентда Радио кунига, алоқа барча тармоқлари ходимларининг байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Тармоқ фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари байрамни нишонлаш мақсадида Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР давлат академик катта театрига тўпландилар.

Ўзбекистон ССР Давлат телерадиосининг раиси Г. Еқубов, жумҳурият алоқа вазири К. Раҳимов тўпланганларга табрик сўзи билан мурожаат этдилар.

Сўзга чиққан кишилар радио, телевидение, алоқа соҳасининг турмушимизда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Бу соҳада банд бўлган кишиларнинг меҳнати айниқса ҳозир, турмушимизда тобора мустаҳкам қарор топаётган ошкоралик даврида ҳаммамизга керак.

Энг яхши радио ва тележурналистларга, алоқачиларга, мухандисларга, техник ходимларга фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Юсупов, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлари Э. Самандаров, П. Нўъманов қатнашдилар.

Йиғилиш қатнашчилари учун жумҳуриятсанъат усталари ижросида концерт қўйиб берилди.

(ЎзТАГ).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти (бундан буён темир йўл транспорти деб юритилади) фаолиятининг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, унинг мамлакат халқ хўжалигидаги ўрни ва аҳамиятини белгилайди, унинг давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан, йўловчилар, юк жўнатувчилар ва қабул қилувчилар билан ўзаро муносабатларини тартибга солади.

1-модда. **Темир йўл транспорти мамлакат халқ хўжалиги тизимида**

Темир йўл транспорти мамлакат транспорт тизимининг асосини ташкил этади ҳамда аҳолининг ва халқ хўжалигининг юк ташишга, ички ва халқаро темир йўл қатновидаги хизматларга бўлган эҳтиёжлари ўз вақтида, тўла-тўкис ва сифатли қондирилишини таъминлаши лозим.

Темир йўл транспорти Умумиттифоқ мулкидир.

Темир йўл транспортининг мамлакат халқ хўжалиги учун муҳимлиги уни илдам ривожлантириш, унинг ҳаракат составига, моддий-техникавий, ёқилғи-энергетика ресурсларига ва ишчилар таъминоти тизими учун зарур молларга бўлган асосий эҳтиёжларини марказлаштирилган тарзда қондириш зарурлигини олдиндан белгилаб беради.

2-модда. **Темир йўл транспортини бошқариш ва унинг таркиби**

Юк ташиш жараёнини бошқариш, темир йўл транспорти корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари фаолиятига раҳбарлик қилиш марказлаштирилган тарзда уюштирилади ва СССР Темир йўл вазирлигининг танҳо ваколатидир.

Темир йўл транспортининг таркибига давлатнинг Иттифоқ корхоналари — темир йўллар, шунингдек, унинг фаолиятини ва ривожланишини таъминлайдиган саноат, қурилиш, савдо ва таъминот корхоналари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, илмий-тадқиқот лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, метрополитенлар ва бошқа ташкилотлар киради.

Темир йўллар таркибида темир йўлларнинг бўлимлари, темир йўл транспортининг асосий ва кўмакчи фаолиятида банд бўлган бошқа корхоналар ва ташкилотлар бўлади.

Темир йўлларни барпо этиш, қайта қуриш ва тугатиш, унинг чегараларини ўзгартириш СССР ҳукумати томонидан СССРнинг амалдаги қонунларига мувофиқ белгиланган тартибда ўтказилади.

Йўловчиларга, юк жўнатувчи ва қабул қилиб олувчиларга хизмат қилиш, темир йўл транспортида фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш учун кичик, ижара, қўшма, кооператив ва акциячилик корхоналари, концернлар ва уюшмалар, шунингдек, тижорат банклари, суғурта компаниялари, мол ва фонд биржалари ташкил этилиши мумкин.

3-модда. **Темир йўл транспортининг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар**

Темир йўл транспортининг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун билан, ССР Иттифоқининг бошқа қонун ҳужжатлари ва шуларга мувофиқ чиқариладиган СССР Темир йўллар Устави билан тартибга солинади.

Юк ташиш, темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат хавфсизлиги, тартибни, муҳофаза қилиш, транспортнинг бошқа турлари томонидан темир йўл изларининг кесиб ўтилиши, ёнғин хавфсизлиги ва санитария қоидаларини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар ҳамма темир йўлларда ва метрополитенларда амал қилади ҳамда темир йўл транспорти хизматидан фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби СССР ҳукумати томонидан белгиланади.

«СССРдаги корхоналар тўғрисида»ги СССР Қонунини темир йўл транспорти корхоналарига қўлланиш хусусиятлари ушбу Қонун билан ва СССР ҳукуматининг шу Қонун асосида чиқарадиган ҳужжатлари билан белгиланади.

4-модда. **Темир йўл транспортининг мол-мулки**

Темир йўл транспорти корхоналарига бириктириб қўйилган мол-мулк тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи билан мазкур корхоналарникидир. Темир йўл транспорти корхоналари бу ҳуқуқни амалга оширар эканлар, мазкур мол-мулкка эгалик қиладилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасарруф этадилар ҳамда мазкур мол-мулкка нисбатан ССР Иттифоқи қонунларига зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни ўз ихтиёрлари билан қилаверадилар. Агар ССР Иттифоқи қонун ҳужжатларида бошқача тартиб кўзда тутилган бўлмаса, мулк ҳуқуқи тўғрисидаги қондалар тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига нисбатан қўлланилаверади.

Темир йўл транспортининг Давлат бюджетида турувчи муассасалари (ташкилотлари)га бириктирилган мол-мулк уларнинг оператив бошқарувида бўлади.

5-модда. **Темир йўл транспортининг ерлари**

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг Ер тўғрисидаги Қонун асосларига биноан темир йўл транспортининг фойдаланиши учун бериб қўйилган ерлар унинг ерларидир. Темир йўл излари ва станциялари (шу жумладан, ажратилган минтақа), шунингдек, ихота ва мустаҳкамлагич дарахтзорлари, темир йўлларни ишлатиш ва қайта қуриш учун зарур бўлган иморатлар, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар учун бериб қўйилган ерлар темир йўл транспортининг ерлари жумласига киради.

Темир йўл транспортининг ерлари тегишли санитария ҳолатида сақланиши лозим.

Ажратилган минтақа темир йўл транспортининг темир йўл изларига туташ ерларидир.

Темир йўл транспортига бериб қўйиладиган ер участкаларининг, шу жумладан, ажратилган минтақанинг миқдорлари белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар билан ва лойиҳа-смета ҳужжатлари билан белгиланади, участкаларни ажратиш эса уларни ўзлаштириш навбатини эътиборга олиб амалга оширилади.

6-модда. **Темир йўл транспортининг қўриқланадиган зоналари**

Ўпирилишлар, кўчкилар содир бўладиган, йўллар ювилиб кетадиган, тез-тез сел бўдиб турадиган ва бошқа хавфли таъсирлар бўладиган районларда жойлашган темир йўллардан, қурилмалар ва темир йўл транспортининг бошқа иншоотларидан меъёрий фойдаланишни таъминлаш мақсадида қўриқланадиган зоналар белгиланиши мумкин.

Қўриқланадиган зоналарни, уларнинг миқдорлари ва шу мақсадлар учун ажратилган ерлардан фойдаланиш тартибларини белгилаш қоидаси СССР ҳукумати томонидан белгилаб берилади.

7-модда. **Темир йўл транспортидаги тарифлар**

Юк, йўловчи, почта ва багажни темир йўл транспортида ташиш тарифлари СССР қонунларига биноан белгиланади.

Темир йўл транспортидаги тарифлар даражаси ташиш, солиқ тўлаш, бошқа тўловларни тўлаш ҳамда темир йўл транспортида истеъмол қилинадиган маҳсулот нархининг ўзгариши учун бўладиган иқтисодий асосланган чиқимларни ҳисобга олиб белгиланади.

Юк эгаларининг талабига биноан бажариладиган ва тарифларда кўзда тутилмаган ишлар ҳамда хизматларнинг ҳақини улар шартнома асосида тўлайдилар.

8-модда. **Темир йўл транспортининг асосий иқтисодий фаолияти**

Темир йўл транспорти корхоналари ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби қоидаларига мувофиқ амалга оширадилар.

Юклар давлат буюртмалари, юк жўнатувчиларнинг берган буюртмалари ва темир йўлнинг юк ўтказиш имкониятларига асосланиб ишлаб чиқиладиган ва темир йўл бошқармалари томонидан тасдиқланадиган режалар асосида ташилади.

Темир йўлларнинг юк ташишдан оладиган даромадлари уларнинг юк ташиш жараёнига қўшган аниқ улуши ҳисобга олиниб белгиланади.

Темир йўллар ҳамда юк ташиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган бошқа темир йўл транспорти корхоналарининг ўзаро иқтисодий муносабатлари шартнома негизида ўрнатилиши мумкин ва СССР Темир йўллар вазирлиги томонидан бошқариб турилади.

Илмий-тадқиқот ишларини ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини пул билан таъминлаш, Умумиттифоқ халқ хўжалиги вазифаларини бажариш билан боғлиқ магистрал йўллар (шу жумладан, ижтимоий соҳа иншоотлари, жумладан, ногиронларга хизмат қилиш учун қулайлаштириш) қурилиши ва реконструкция қилиш, темир йўл транспорти саноат корхоналари қуриш ва реконструкция қилиш, вагонлар ва контейнерларни сотиб олиш, зарар кўриши режалаштирилган темир йўл бошқармаларига дотация бериш, соғлиқни сақлаш ҳамда маориф муассасаларини қуриш ва уларни сақлаб туриш Иттифоқ бюджети, манфаатдор жумҳуриятлар, корхоналар ва ташкилотлар маблағи ҳисобига амалга оширилади.

СССР Темир йўллар вазирлигида умумтармоқ вазифаларини ҳал қилиш учун темир йўл бошқармалари билан келишилган ҳолда марказлаштирилган жамғармалар ва заҳиралар барпо этилиши мумкин.

9-модда. **Темир йўл транспортидаги хавфсизлик**

Темир йўл транспорти фуқароларнинг ҳаёти ва сиҳат-саломатлиги хавфсизлигини, поездлар ҳаракати хавфсизлигини, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга мажбур.

Ҳаракат состави, йўл қурилиши ҳамда темир йўл транспортига етказиб бериладиган бошқа техника воситалари хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда Давлат стандартлар комитети белгилаган экологик софлик талабларига мос келиши ва буни тасдиқлайдиган сертификатга эга бўлиши лозим.

Поездлар ҳаракати хавфсизлигини бевосита таъминлайдиган ходимлар мансаб бурчларини сифатли бажариш учун зарур бўлган тегишли касб тайёргарлигига эга бўлишлари ва соғлом бўлишлари лозим.

Поездлар ҳаракат қиладиган, поездлар маневри ва юк ортиш-тушириш ишлари амалга ошириладиган станциялар, корхоналар ва темир йўллар ҳудуди хатарли зона ҳисобланади. Бундай зоналарда фуқароларнинг хизмат заруратисиз юриши тақиқланади. Хатарли зонада бўлиш ва унда ишларни бажариш, темир йўлни кесиб ўтиш қоидаларини СССР Темир йўллар вазирлиги манфаатдор ташкилотларнинг таклифларини ҳисобга олиб белгилайди.

Умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва иншоотлар яқинида портловчи, осон ёниб кетадиган, радиоактив, заҳарли ва заҳарловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ортиш, ташиш ва тушириш билан боғлиқ иншоотлар жойлаштирилишига йўл қўйилмайди. Бундай иншоотлардан темир йўллар ва унинг иншоотларигача бўлган энг кам масофа, шунингдек, темир йўллар, қувурлар, алоқа ва электр линиялари ва бошқа коммуникациялар билан кесишадиган жойлар СССР Темир йўллар вазирлиги билан келишилган тегишли қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида белгилаб қўйилади.

Портлайдиган, осон ёниб кетадиган, радиоактив, заҳарли ва бошқа хавфли юкларни жўнатадиган ва оладиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар уларни ташиш хавфсизлигига кафолат беришлари, авария вазиятини тугатиш ҳамда бу юкларни ташиш чоғида авария юз берган тақдирда унинг оқибатларини тугатиш учун зарур воситалари ва тезкор бўлинмалари бўлиши шарт.

СССР ҳукумати тасдиқлайдиган рўйхатдаги хавфли юкларни бутун маршрутда юк жўнатувчилар ёки олувчилар қўриқлайдилар ва кузатиб борадилар.

10-модда. **Темир йўл транспортидаги юклар ва иншоотларни қўриқлаш**

Темир йўл транспорти корхоналари йўлда ва темир йўл станцияларида юклар ва багажнинг сақланишини таъминлайди.

Темир йўл транспорти иншоотлари ва юкларни қўриқлаши, шунингдек, ёнғинга қарши профилактика ишларини бажаришни ва темир йўл транспортидаги ёнғинни ўчиришни СССР Темир йўллар вазирлиги ҳарбийлаштирилган соқчилиги амалга оширади. Ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари хизмат бурчларини бажариш чоғида милиция ходимлари билан баравар ҳуқуқий ҳимоя қилинадилар.

Темир йўллар транспортининг энг муҳим иншоотларини ва махсус юкларни СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларининг бўлинмалари қўриқлайди. Бундай иншоотлар ва юклар рўйхатини СССР ҳукумати белгилаб беради.

Темир йўл транспортида жамоат тартибини сақлашни, жиноятчиликка қарши курашни, ёнғинга қарши назоратни транспортдаги ички ишлар органлари, милициянинг ҳудудий бўлинмалари темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда таъминлайдилар.

11-модда. **Фавқулодда ҳолатларда темир йўл транспорти ишини ташкил этиш**

Темир йўл транспорти корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари темир йўл транспорти ишини бузган табиий ҳодисалар ва авариялар оқибатларини тугатиш юзасидан шошилинч чораларни кўрадилар.

Республика ва маҳаллий бошқарув идоралари, транспортдаги ички ишлар органлари, милициянинг ҳудудий бўлинмалари, СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари, СССР Қуролли Кучларининг бўлинмалари одамларнинг ҳаёти ёки саломатлигига, ҳаракат хавфсизлигига ва юкларнинг омон сақланишига хавф солган авариялар, табиий ҳолатлар (тупроқ суришлари, сув тошқини, ёнғин ва бошқалар) оқибатларини тугатишда темир йўл транспортига ёрдам берадилар.

Транспортнинг тўсқинликсиз ва хавф-хатарсиз ишлашига хавф соладиган транспорт коммуникацияларини атайлаб тўсиб қўйиш ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида темир йўл транспортига етказилган зарарни транспорт корхоналарига, муассасаларига ва ташкилотларига айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда тўлайдилар, шунингдек, агар давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари транспорт коммуникацияларини атайлаб тўсиб қўйишнинг олдини олиш ва чек қўйиш учун зарур чораларни кўрмаган тақдирда шу идоралар ҳам тўлайдилар.

12- модда. **Темир йўл транспорти ходимларининг меҳнат муносабатлари ва интизоми**

Темир йўл транспорти ходимларининг меҳнат муносабатлари ва интизоми ССР Иттифоқи ва жумҳуриятларнинг меҳнат тўғрисидаги қонун асослари билан, бошқа қонун ҳужжатлари, СССР темир йўл транспорти ходимларининг интизоми тўғрисидаги тегишли касаба уюшмаси билан келишилган ва СССР ҳукумати тасдиқлаган Низом билан тартибга солинади.

Поездлар ҳаракати билан бевосита боғлиқ бўлган темир йўл транспорти ходимлари айрим тоифаларининг меҳнат шароитлари, ижтимоий-маиший ва уйжой таъминоти, иш вақти ва дам олиш вақти тартиби хусусиятлари ССР Иттифоқининг амалдаги қонунларига биноан СССР Темир йўллар вазирлиги томонидан тегишли касаба уюшмаси билан келишилиб белгиланади.

Темир йўл транспорти корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг ходимлари меҳнатда майиб бўлиши ёки касб касаллигига чалиниши оқибатида шу тармоқдаги бошқа ишга ўтказилганда ёки халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ўтганида уларнинг темир йўл транспортида бепул юриш ҳуқуқи, пенсия таъминотидаги имтиёзлари ва темир йўл транспорти ходимлари учун қонунда белгиланган бошқа имтиёзлари сақланиб қолади.

Темир йўл транспорти ходимлари ўзларининг меҳнат ҳуқуқлари бузилган тақдирда ҳимоя сўраб судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Жамоа меҳнат низолари (можаролари) чиққан тақдирда СССР Темир йўллар вазирлиги тегишли касаба уюшмаси билан биргаликда «Жамоа меҳнат низолари (можаролари)ни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги СССР Қонуни асосида меҳнат жамоалари ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя этилишини сўраб СССР Президентига ёки СССР Бош вазирига мурожаат этишларидан аввал бу низолар (можаролар)ни бартараф этиш учун зарур чораларни кўришлари лозим.

13-модда. **Темир йўл транспортида хизмат ишини юритиш ва алоқа тили**

Темир йўл транспорти корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида поездлар ҳаракатини таъминлаш, йўловчи ва юк ташиш билан боғлиқ бўлган хизмат ишини юритиш, ҳисоб-китоб, ҳисобот, тижорат ва техника ҳужжатлари, телеграф алоқаси, ҳуқуқий ва илмий-техникавий ахборот, шунингдек, хизмат алоқаси рус тилида амалга оширилади.

Темир йўл станцияларида, вокзалларда, поездлар ҳамда йўловчиларга, юк жўнатувчилар ва қабул қилиб олувчиларга хизмат кўрсатадиган бошқа жойларда ахборот ва ойнасўз, шунингдек, темир йўл транспорти корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг номлари жумҳуриятнинг давлат тилида ва рус тилида ишлатилади.

14-модда. **Темир йўл транспортида ҳисоб-китоб ва ҳисобот вақти**

Темир йўл транспортининг юк ташишда бевосита қатнашувчи корхоналари ва ташкилотлари қаерда бўлишидан қатъи назар, уларда юк ташиш жараёнини узлуксиз марказлаштирилган тарзда бошқаришни таъминлаш мақсадида ягона ҳисоб-китоб ва ҳисобот вақти — Москва вақти деб белгиланади.

15-модда. **Темир йўл транспортининг Иттифоқ, жумҳурият ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув идоралари билан ўзаро муносабатлари**

Жумҳурият ва маҳаллий ҳокимият идоралари, вазирликлари, давлат комитетлари билан идоралари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар темир йўл транспортининг юк ташиш жараёни билан боғлиқ бўлган фаолиятига аралашишга, шунингдек, темир йўл транспортининг эксплуатация ходимларини СССР қонунларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари бошқа ишларга чалғитишга ҳақли эмаслар.

Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари ССР Иттифоқи ва жумҳуриятларнинг қонунларига биноан Иттифоқ бюджетига, жумҳуриятларнинг бюджетларига, мухтор тузилмаларнинг ва маҳаллий Советларнинг бюджетларига солиқлар ҳамда бошқа тўловларни тўлайдилар.

Минтақа аҳолисига хизмат қиладиган маҳаллий темир йўл излари, вокзаллар, пиёдалар ўтадиган кўприклар ва ер ости йўллари, йўловчилар турадиган жойлар ва бошқа иншоотлар қурилиши жумҳурият ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан ҳамда темир йўлларнинг маблағидан, шунингдек манфаатдор корхона ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ССР Иттифоқи ва жумҳуриятларнинг қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Метрополитенлар қурилишини пул билан таъминлаш ва уларни сақлаш учун етишмаган маблағнинг ўрнини тўлдириш тегишли жумҳуриятлар ҳамда шаҳарларнинг бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади.

ССР Иттифоқи ва жумҳуриятларнинг қонунлари асосида айрим тоифа фуқароларга йўловчи поездларида, шу жумладан, шаҳар атрофида қатнайдиган поездларда енгил шартлар билан юриш ҳуқуқи берилиши муносабати билан темир йўллар даромадларининг камайган қисми тегишли бюджетлар ҳисобидан темир йўл транспортига берилади.

Темир йўл транспорти таркибига кирувчи метрополитенлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият муассасалари ва бошқа ташкилотлар СССР қонунларида белгиланган тартибда жумҳуриятларнинг, ўлкалар, вилоятлар, мухтор округлар ва бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулки қилиб топширилиши мумкин.

16-модда. **Темир йўл транспортининг ташқи иқтисодий фаолияти**

СССР Темир йўллар вазирлиги халқаро темир йўл ва аралаш йўл қатновида йўловчи ҳамда юк ташишни ташкил қилиш чоғида ажнабий темир йўллар олдида «Совет темир йўллари» номи билан ҳуқуқий шахс сифатида иш кўради ва йўловчи ҳамда пассажир ташиш соҳасида халқаро битимлар, шартномалар асосида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади.

СССР Темир йўллар вазирлигида транспорт ва транспорт-экспедиция хизматини кўрсатганлик учун тушадиган валюта миқдоридан белгиланган меъёрлар асосида ҳосил қилинадиган марказлаштирилган валюта жамғармасини вужудга келтиради.

Темир йўл транспорти корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ажнабий давлатларнинг ташкилотлари билан ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишлари ҳамда белгиланган тартибда маҳсулот (иш-хизмат)ни экспорт (импорт) қилишлари, валюта ажратмалари жамғармасини вужудга келтиришлари мумкин.

Экспортга маҳсулот юборадиган корхона ва ташкилотлар валюта маблағининг бир қисмини темир йўл транспорти корхоналарига ажратиши мумкин. Бу ажратмаларнинг миқдорлари шартнома асосида белгиланади.

17-модда. **Темир йўл транспортининг масъулияти**

Темир йўл транспорти корхоналари йўловчини элтиб қўйишдан ва юк жўнатувчининг юкини ташиб беришдан бош тортишга ҳақли эмас, СССР темир йўллари Уставида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг фаолияти катта хавф билан боғлиқ бўлса, улар темир йўлдан фойдаланиш пайтида йўловчининг ҳалок бўлиши ёки сиҳат-саломатлиги шикастланиши оқибатида етган зарар учун СССР қонунларида белгиланган тартибда моддий жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналарининг юк ва қўл юки ташиш соҳасидаги мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тегишли равишда бажармаганлиги учун жавобгарлиги, шунингдек, поезд кечикканлиги учун йўловчилар олдидаги жавобгарлиги СССР темир йўллари Уставида белгиланади. Темир йўл транспорти корхоналари ташиш учун қабул қилинган юк ва қўл юки йўқолган, етишмаган ва шикастланган тақдирда бунинг учун, башарти мазкур корхоналар етишмаслик, бузилиш ёки шикастланиш уларнинг айби билан рўй бермаганини исботлай олмаса, ҳақиқий зиён миқдорида жавобгар бўладилар.

Темир йўл транспорти ССР Иттифоқи қонунларига биноан атроф-муҳитга етказган зарари учун жавобгар бўлади.

18-модда. **Темир йўл транспортида йўловчиларни, қўл юки ва юкларни суғурта қилиш**

Темир йўл транспортидан фойдаланиш чоғида йўловчилар СССР қонунларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий суғурта қилинадилар.

Темир йўл транспортида мажбурий давлат суғуртаси билан бир қаторда йўловчиларни, қўл юки ва юкларни ихтиёрий суғурта қилиш мумкин.

19-модда. **Саноат темир йўл транспорти эгаларининг ўзаро алоқаси**

Темир йўл транспортининг саноат темир йўл транспортига эга бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан муносабатлари, шунингдек, шох йўлларни ишлатиш ҳамда умумий фойдаланишдаги изларда уларга қарашли ҳаракат составининг қатнови тартиби ва шартлари СССР темир йўллари Уставида белгилаб қўйилади.

Саноат темир йўл транспортига эга бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар уни ишларни хавф-хатарсиз бажаришни таъминлайдиган даражада ривожлантириш ва сақлашни, ҳаракат составидан самарали фойдаланишни, вагонларнинг сақланишини ва вагонлар бекор туришининг шартномаларда белгиланган меъёрлари бажарилишини амалга оширадилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 15 апрель.

СССР Олий Кенгашининг қарори

«ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги СССР Қонуни 1991 йил 1 июлдан, Қонуннинг 8-моддаси эса 1992 йил 1 январдан кучга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, СССР темир йўлларининг Устави СССР Президенти томонидан тасдиқланади.

3. СССР Вазирлар Маҳкамасига 1991 йил 1 октябргача:

СССР ҳукуматининг қарорларини «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириб ўлиш;

СССР вазирликлари, давлат комитетлари ва идоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид келадиган меъёрий ҳужжатларини, шу жумладан, йўл-йўриқлари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиши ва бекор қилишини таъминлаш топширилсин.

4. Жумҳуриятларнинг Олий Кенгашларига жумҳуриятларнинг қонунларини «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириб олиш тавсия қилинсин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 15 апрель.

КПСС Марказий Комитети Котибиятининг мажлисидан

ПАРТИЯ САФЛАРИНИНГ БИРЛИГИ УЧУН

КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко раислигида КПСС Марказий Комитети Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг матбуот маркази шу ҳақда хабар беради.

Бу — яқинда бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленумидан кейинги биринчи мажлис эди. В. А. Ивашко шу мажлисни очиш вақтида сўзлаган кириш нутқида партия турмушида Пленумда пайдо бўлган тамойилларни чуқур таҳлил этишга чақирди. Бош котибнинг ўринбосари бу Пленумни кейинги ўн йилликлар мобайнида бўлиб ўтган жами мўътабар партия анжуманлари орасида ўзининг шакли ва мазмуни жиҳатидан кескин ажралиб турувчи Пленум деб атаб, унда қабул этилган қарорларни амалга ошириш соҳасида аниқ ҳаракатлар қилиш зарурлигини таъкидлади.

Ғоявий қарама-қаршилик кучайганлиги, фракциячилик вужудга келганлиги, партиянинг бирлигига сезиларли хавф туғилганлиги коммунистларни айниқса ташвишга солмоқда. Пленумда коммунистлар орасида паришонлик кучайганлиги, улар амалий ишда гангиб қолаётганликлари, мухолифчиларнинг, арзон обрў орттиришга интилувчиларнинг, «митинг-бозлик демократияси»нинг ғоялари ва шиорлари, миллатчилик кайфиятлари партиялилар муҳитига суқилиб кирганлиги ҳақида хавотирлик билан гапирилди. Партия сафларидаги интизом анча заифлашди, партия қарорлари зарур қатъият билан бажарилмаяпти, ҳатто аъзолик бадалларини тўлашга бепарволик майллари пайдо бўлди.

Пленум якунлари муносабати билан КПСС Марказий Комитети бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янгилаш комиссиясининг ташаббуси Котибият мажлиси қатнашчиларини айниқса қизиқтирди. Бу комиссия КПСС сафларини мустаҳкамлашга оид тавсияномалар тайёрлаган. КПСС Марказий Комитети Ташкилий бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Ю. И. Рижов комиссия қилган иш ҳақида гапириб, комиссия партиядаги аҳволни таҳликали қилиб ҳам кўрсатгани йўқ, аммо тангликдан ҳолатларига бепарво бўлгани ҳам йўқ, деб уқтирди. У қуйидаги маълумотларни айтиб берди: агар 1990 йилда партиядан 1,8 миллион киши чиқиб кетган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагида уни 587 минг киши тарк этди. Айни вақтда КПССга кирувчилар кўпайди: агар бутун ўтган йил давомида партияга 108 минг киши қабул қилинган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагидагина КПСС сафига 46 минг киши кирди.

Бироқ КПСС Марказий Комитети бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янгилаш комиссияси корхоналардан партия ташкилотларини қисиб чиқаришга қаратилган тазйиқ кучайиб бораётганлигини энг катта хавф деб ҳисоблади. Тўғри, бундай ҳодисалар асосан оз сонли жамоаларда — мактабларда, билим юртларида, майда ташкилотларда содир бўлмоқда, аммо йирик саноат, транспорт, қурилиш, корхоналарига ҳам шу жараёнлар дахл қила бошлади.

Партия сафларини аниқ ишлар теварагидагина жипслаштириш мумкин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Қонун лойиҳалари таклиф этиш ташаббуслари ва ҳуқуқий масалалар бўлимининг мудири В. С. Бибичев шу фикрни қўллаб-қувватлади. Меҳнат жамоаларида, советларда аниқ ишлар қилинмоқда. Демак, коммунистларнинг овози аввало шу ерда, ҳозир кундалик турмушнинг энг ўткир масалалари ҳал этилаётган ерларда янграб туриши керак.

КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев комиссия таклиф қилган тавсиялар ўз вақтида ишлаб чиқилганини таъкидлаб ўтди. Бу тавсиялар пойтахт бошланғич партия ташкилотлари ишида яхши кўмакчи бўлиб қолади, бу ташкилотларнинг кўплари ҳозир «қамал» ҳолатида ишламоқда. Улардан 150 таси шу пайтгача ёпириб қилинган тазйиққа бардош бера олмади ва заифлик қилиб, тарқалиб кетди. Бунда гап асло уларнинг оз сонли эканлигида ва кичик идораларда ишлаганида эмас. Агар шундай бўлса, бу нарса биз учун бир мунча тасалли берган бўлур эди.

Кўпгина партия ташкилотлари ўзларининг ички турмуши ва фаолиятини ташкил қилишда ўзларининг мустақиллик ҳуқуқидан фойдаланмаётганликларини, интизомни мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни кўрмаётганликларини пайқамай бўлмайди, деди КПСС Марказий назорат комиссияси раиси вазифасини бажарувчи Е. Н. Махов. Ҳолбуки, партиянинг янги Устави, сўнгги меъёрий-усулий ҳужжатлар, уларга шундай ҳуқуқларни беради. Коммунистларнинг фаоллигини ошириш ва ташаббускорлигини ривожлантириш учун демократик воситаларни тўла-тўкис ишга солиш шу билан бирга партия сафларидаги уюшқоқлик, интизом ва масъулиятни оширишга тааллуқли қоидаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш зарур. Нотиқ ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда партия қарорларининг бажарилишини назорат қилиш хусусиятларига алоҳида тўхталиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби В. А. Купцов бу фикрни ривожлантирди. Унинг фикрича, ички партиявий иш учун барча поғоналарда талаб бўшаштириб юборилди. Афсуски бу гап КПСС Марказий Комитетига ҳам тааллуқлидир.

КПСС Марказий Комитетининг котиби П. К. Лучинский диққат-эътиборни янги шароитда ўз сафларини янгилаш ва мустаҳкамлаш соҳасида ижобий тажриба орттирган ҳудудий партия ташкилотларининг фаолиятини оммалаштириш зарурлигига қаратди. Одатда, партия сафига янги кирувчилар — социалистик йўлнинг эътиқодли, фаол тарафдорларидир, деди у. Чунки ҳатто софдил партия аъзолари қувғин қилинаётган жойларда ҳам партияга қабул тўхтамаяпти. КПССга қабулни ташкил этиш соҳасидаги ишнинг сиёсий аҳамиятини ошириш, бу ишни бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар ва район партия комитетлари фаолиятидаги энг муҳим вазифа қилиб қўйиш, партия таклиф қилаётган ўзгартишларни амалга оширишдан манфаатдор бўлган янги кучларни фаол излаш керак. КПССга янги аъзоларни танлаш умумпартиявий иш бўлиши лозим, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитети Котибиятининг аъзоси И. И. Мельников.

КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов партияга янги қабул этилганлар билан ишлаш ҳақида гапирди. Ёш коммунистларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилиш, ўз ўрнини топиб олишда уларга ёрдам бериш, ўз қобилиятларини намойиш қилиш имкониятини яратиш керак. Партиядан чиқиб кетишга олиб бораётган сабабларни чуқурроқ излаб кўриш даркор. Бунга ҳамиша ҳам ўзини ўзи поклаш сабаб бўлияптими? Чунки ҳар бир киши КПССга кираётганида ўз йўлини мустақил танлаганку!

КПСС Марказий Комитетининг котиблари А. Н. Гиренко, Е. С. Строев, О. С. Шенин ҳам КПСС Марказий Комитети бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янгилаш комиссиясининг таклифлари тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини айтдилар, ички партия турмушини демократиялаш, бошланғич ташкилотларнинг ўткир сиёсий кураш шароитида самарали ишлай олиш қобилияти, меҳнаткашлар оммаси орасида обрў-эътиборни ошириш билан боғлиқ бўлган бир талай мароқли фикрларни ўртага ташладилар.

Мунозарани В. А. Ивашко якунлади. Муҳокама давомида айтилган таклифларни эътиборга олиб комиссиянинг тавсияларини маҳаллий партия комитетларига юборишга қарор қилинди. Бу ҳужжатга КПСС Марказий Комитети Котибиятининг тегишли қарорини илова қилиб, партия сафларини мустаҳкамлашга қаратилган биринчи галдаги чора-тадбирлар рўйхатини қўшиб қўйишга қарор қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Котибияти КПССнинг хорижий партиялар билан алоқа режасини муҳокама қилиб, тасдиқлади.

Ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Илгари КПСС Марказий Комитети Мафкура бўлими шўъбасининг мудири бўлиб ишлаган В. П. Мотяшов КПСС Марказий Комитетининг янги публицистик ва адабий-бадиий журнали — «Утро»нинг бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитетининг Котибияти СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларидаги КПСС ташкилоти партия комитети пленумининг А. И. Кирилюкни партком котиби этиб сайлаш тўғрисидаги, темир йўл қўшинлари партия комитети пленумининг В. П. Соснинни шу қўшинлар парткомининг котиби этиб сайлаш ҳақидаги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети партия комитети пленумининг Н. И. Назаровни СССР Давлат хавфсизлиги комитети парткомининг котиби этиб сайлаш ҳақидаги қарорларига қўшилди.

• «Ўзбекистон ССР ташкил этилган сана хусусида»ги мақолани ўқиб

ТЕЗРОҚ БИР ФИКРГА КЕЛАЙЛИК

МИЛЛИЙ тарихимизнинг кўплаб долзарб илмий муаммолари, бир қанча «оқ доғ»лари, ҳали ўқилмаган саҳифалари ҳақида тўхталиб, ЎзКомпартия Марказқўми биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов шундай деган эди:

«Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний, холисона, танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин — «оқ доғ»ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз. Албатта, ҳар бир воқеани аниқ тарихий шароитни ҳисобга олиб, бизнинг тарихимиз, ундаги ҳар бир қадам кекса авлодларнинг пешона тери билан ва қони билан суғорилганини назарда тутиб шундай қилишимиз керак. Ўтмишимизни бошдан-оёқ қоралаш ота-боболаримиз хотираси олдида, фарзандларимиз ва набираларимизнинг олдида кечирилмас хато бўлур эди».

Тарихимизда содир бўлган кўпол хатолар ва бузилишлар ҳозир ва келажакда такрорланмаслиги учун уларни пухта, илмий билишимиз керак. Тарих ҳамма нарса яхши-ю ёмон, ижобий-ю салбий, пок ва нопок ишлар, воқеалар устидан эртами-кеч ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Бу нақадар чин ҳақиқатлиги ҳозирги кунларимизда кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Шу боисдан тарихни фақат ё «қора» ё «оқ» бўёқ билан тасвирлаб бўлмайди. Ҳаёт ва тарих шундай ранго-ранг, хилма-хил, умумийлик ва ўзига хосликдан иборатки, уни тасвирлашда ҳоҳ тарихчи, ҳоҳ адиб, ҳоҳ публицист, ҳоҳ ижодкор бўлсин, кўпдан-кўп, турли-туман манбаларни, бўёқларни ишлатиши шарт. Тарих буюртма билан эмас, пок ва ҳалол қалб билан, андоза ва тақлидларсиз, ғараз ва хушомадгўйликсиз холисона ёзилмоғи керак.

Қатағон ва турғунлик йилларида чоп этилган кўплаб тарихимизга доир асарларда, илмий тадқиқотларимиз, диссертацияларимиз, дарсликларимизда, ҳатто қомусларимиз, рисолаларимиз, ўнлаб мақолаларимиз, кино ва театр асарларида у ёки бу воқеалар, мавзулар, у ёки бу сиёсий арбоблар тарихи бир ёқлама баён этиб келинди. Хусусан, синфийлик, партиявийлик, тарихийлик, миллийлик, байналмиллаллик, замонавийлик билан ҳаддан ташқари маҳлиё бўлиб, уларни меъёридан ортиқ даражада қўлланиб, манба ва далилларни ҳам олдиндан ўйлаб, режалаб қўйган андозаларга «мослаб», «саралаб» олиб, тарихий воқеалар талқинини бузиб ҳам келдикки, буни қайта қуриш туфайли хато эканлигини сезиб турибмиз. Қайта қуриш тарих фани бешигини селпигандан сўнггина тарихимизга бўлган муносабатимиз ижобий томон бироз ўзгармоқда. Тарихимиздаги кўплаб «оқ доғ»лар, ўқилмаган, ҳатто бузилган, туҳматга қолган, ноҳақдан қораланган саҳифалар мавжудлиги ошкор бўлди.

Айниқса, Ўзбекистон тарихининг совет даври бўйича ана шундай муаммоли, мунозарали мавзулари жуда кўпки, уларни бартараф этиш ҳар бир тарихчи олимнинг муқаддас бурчидир.

Ўзбекистон ССР ташкил топганига мана 66 йил бўлибди, аммо ҳануз унинг аниқ туғилган куни, ҳақиқий санаси, байрам куни аниқланган эмас. Айни шу мунозарали мавзуда «Совет Ўзбекистони» рўзномаси бир неча мақолаларни чоп этиб, жуда тўғри ва ибратли иш бошлади.

Ҳозиргача Ўзбекистон ССР туғилган кунни олимлар турлича белгилаб келдилар. Чунончи, 1924 йил 27 октябрь, 18 ноябрь, 5 декабрь ва ниҳоят, 1925 йил 17 февраль. Ўрта Осиёдаги айрим жумҳуриятлар, масалан, қўшни Тожикистон жумҳуриятининг ташкил бўлган санаси 1924 йил 14 октябрь куни билан белгиланмоқда. Ўтган йили рус тилида чоп этилган «Тожик Ленинномаси»да шундай дейилган: **«Миллий давлат чегараланиши натижасида 1924 йил 14 октябрда Ўзбекистон ССЖ таркибида Тожикистон МССЖи ташкил топди»** Бу санага РСФСР Бутунроссия МИҚининг 1924 йил 14 октябрида Ўрта Осиё жумҳуриятларининг чегаралаш тўғрисидаги қарори асос қилиб олинган. Қирғизистоннинг ташкил этилган куни хусусида ҳам шундай фикр мавжуд. Бизнингча, масалага бундай ёндашиш тўғри бўлмаса керак. РСФСР ёки ССЖИ МИҚлари қабул қилган қарорлар Ўрта Осиёдаги жумҳурият ва вилоятларнинг ташкил топиш кунини белгиловчи асос бўла олмайди. Тожикистонни ҳам, Қирғизистонни ҳам ташкил топган кунини 14 октябрь билан ҳам, 27 октябрь билан ҳам белгилаб бўлмайди.

ШУНИНГДЕК, бу фикр Ўзбекистон билан Туркманистон учун ҳам тааллуқлидир. Агар 1924 йил 14 октябрдан ЎзССР таркибида Тожикистон МССЖ ташкил топган бўлса, у ҳолда Ўзбекистоннинг ўзи қачон ташкил топган деган савол туғилади, демак 14 октябрга қадар ҳам ЎзССР мавжуд экан-да деган мантиқий фикр туғилади. Шундай экан, 14 октябрга қадар яна қайси кунни Ўзбекистонни туғилган кун деб белгилаймиз? Айни шу масалада Э. Юсупов, Ш. Ўразаев, Р. Ражабова, И. Алимов, Р. Нуруллин, С. Холбоевлар рўзноманинг 9 январь 6-сонида эълон қилинган мақолаларида илгари сурган фикр диққатга сазовордир. Ўлар Ўзбекистон ССР ташкил топган кунга тўхталиб, масалага янгичасига ёндашдилар. Мазкур мақола анча илмий, ишонарли, тарихий далилларга, мантиқ кучига эгадир.

ТМССЖ МИҚ сессияси қарорида Туркистон жумҳурияти ишчилари ва деҳқонлари оммасининг ялпи иродаси назарда тутилиб, ўзбек, туркман, қирғиз (қозоқ), қора қирғиз (қирғиз), тожик халқларига Туркистон Мухтор Совет Социалистик Жумҳурияти таркибидан чиқиш ҳуқуқи қонун йўли билан берилди. Шу қарор билан Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Қорақирғиз мухтор вилояти, Тожикистон мухтор жумҳурияти ташкил бўлди. Бу қарор РСФСР Бутунроссия МИҚ навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун ҳавола этилганди. ТМССЖ МИҚсининг мазкур қарори дастлабки ҳал қилувчи ҳужжат сифатида РСФСР Бутунроссия МИҚсининг 1924 йил 14 октябрда ва ССЖИ МИҚсининг 27 октябрда Ўрта Осиё жумҳуриятларининг чегараланиши тўғрисида қабул қилган қарорига асос қилиб олинди. Айни шу ғоя ЎзФА мухбир аъзоси, таниқли олима Р. Аминова ва докторант М. Жўраевлар томонидан ҳам «Тарихий ҳақиқатни кўзлаб» мақоласида асосли равишда қўллаб-қувватланди.

Юридик фанлари доктори У. Чориёров «Ҳақиқий сана» мақоласида эса Ўзбекистон ССР таваллуд топган кун — 1924 йил 18 ноябрь санасидир, деган фикрни кўп жиҳатдан асослашга уринмоқда. Ўша куни Туркистон, Бухоро ва Хоразм жумҳуриятларининг МИҚлари Ўзбекистон ССЖини вақтинча бошқариб туриш, Ўзбекистон жумҳурияти Советларининг таъсис қилувчи қурултойини чақириш ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон ССЖ Инқилобий Қўмитасини ташкил этиш тўғрисида қўшма қарор қабул қилдилар. БССЖ, ХССЖ на РСФСР, на ССЖИ таркибида бўлган, бу икки жумҳурият Туркистондан, ССЖИдан, РСФСРдан мустақил бўлган. Қолаверса, 18 ноябрга қадар Туркистон, Бухоро ва Хоразм жумҳуриятлари яшаб келди, улар ўзларининг тарқатилганини айни ўша 18 ноябрда эълон қилдилар.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва вилоятларининг ташкил топган санасини уларнинг Инқилобий Қўмиталари тузилган кунига қараб белгилаш анча мураккаб бўлиб турибди.

Бизнингча, бу масалада Ўрта Осиё жумҳуриятлари мутасадди олимлари (тарихчилар, давлатшунослар)нинг биргаликда иштирокида анжуман ўтказиб, қисман миллий тарихларимизни мувофиқлаштириш йўлидан бориб, музокара мавзуи бўлган жумҳуриятлар ташкил топган кунни аниқлаб олмоқ лозим бўлса керак.

Аммо Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралаш ва янги жумҳуриятлар, вилоятлар ташкил топиши мавзуини томомила қайтадан тадқиқ этиш керак. Воқеаларни таҳлил этишда қатағон, турғунлик даврининг «оғир юк»ларидан халос бўлиб, тарих фанида бошланган қайта қуриш талабидан келиб чиқиб, хилма-хил, қарама-қарши фикрларни таҳлил қилиб, умумлаштириб кенг оммага мўлжалланган ўзбек тилида китоблар ёзиш лозимдир.

Рустам ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

• АКС-САДО

ТАРИХИЙ САНА МУАММОСИ

Тарихи «минг асрлар ичра пинҳон» бўлиб келган ўзбекларнинг шўролар ҳокимияти давридаги туғилган куни муаммоси кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортмоқда. Зеро, жуда чекланган ҳуқуқларга эга бўлган давлатимизнинг «туғилган куни» тарихий ҳақиқатга асосланиши зарур.

Кейинги вақтда жумҳуриятимизнинг йирик тарихчи олимлари доирасида, оммавий ахборот воситаларида, Ўзбекистон шўролар жумҳуриятининг ташкил топган кунини аниқ белгилаш бўйича турли фикрлар айтилмоқда. Ҳозирча бу тўғрида: 1924 йил 16 сентябрь, 1924 йил 27 октябрь, 1925 йил 17 февраль кунлари Ўзбекистон жумҳурияти ташкил этилган кун, деб айтилмоқда. Албатта, ҳар бир сана маълум тарихий далилу исботлар натижасида маъқулланмоқда ва тўғри деб исботланмоқда.

Фикримча, Ўзбекистон жумҳурияти ташкил топган кунни Туркистон Мухтор Совет Социалистик Жумҳурияти ташкил этилган кундан ҳисоблаш тарихий ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Сабаб Ўзбекистон ССР бевосита ТМССРнинг давомчисидир.

Ҳ. МУҲАММАДЖОНОВ,
К. УМАРОВ,
И. ҲАНИТОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доцентлари.

* * *

Матбуотда эълон қилинаётган материаллар Ўзбекистон ССРнинг пайдо бўлиш жараёни тарихий воқеаларга бой эканлигини кўрсатаётир. Олимлар Р. Аминова, М. Жўраев ўз мақоласида «Қайси кунни халқимиз байрам қилиши мумкин?» деб савол берганлар. Мақола эълон қилган олимларнинг кўпчилиги, жумладан номлари тилга олинган олимлар ҳам бундай кун 16 сентябрь демоқдалар. Биз ҳам бу фикрга қўшиламиз.

Жумҳурият куни, байрам куни қандай ном билан нишонланиши ҳам тарихий воқеалар, тарихий ҳақиқатни тиклаб ва сақлаб қолишга қўмаклашади, албатта. Шу нуқтаи назардан 1924 йил 16 сентябрь кунини Ўзбекистон халқлари миллий байрами деб эълон қилинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Р. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг катта илмий ходими.

МУҲАРРИРИЯТДАН: шу мақола юзасидан мактуб йўллаган барча муштарийларга миннатдорчилик билдирамиз.

ОШКОРАЛИК МЕЪЁРЛАРИ АСОСИДА

Матбуот куни арафасида Тошкентда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Матбуот хизмати тайёрлаган ахборотноманинг дастлабки сони чиқарилди.

Ахборотнома Ўзбекистон ССР Президенти аппарати томонидан ўзбек ва рус тилларида — қайта қуриш тилларида ва турмушимизда тобора кўпроқ қарор топаётган ошкоралик меъёрларига тўла мос ҳолда чиқарилди. Бу меъёрлар Ўзбекистон халқини, барча фуқароларини, у сайлаган республика бошлиғининг фаолияти тўғрисида ҳар томонлама хабардор қилиб туришни кўзда тутади.

Бу, хусусан, Олий Кенгаш ўтган йилнинг 24 мартида қабул қилган «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонунида кўзда тутилган. Дастлабки ахборотнома ана шу қонундан олинган кўчирма билан бошланган. Ахборотноманинг шу сонида республика Олий Кенгашининг Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайлаш тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон биринчи Президентининг қасамёди ва унинг қисқача таржимаи ҳоли келтирилган.

Ахборотномада республика Президентининг 1990 йилда чиқарган Фармонлари берилган. Булар орасида бир йил муқаддам май ойида чиқарилган кўп болали оналарга тўланадиган нафақалар миқдорини ошириш ва тикланган халқ байрами «Наврўз»ни ўтказиш якунларидан тортиб декабрь ойидаги республика халқ хўжалиги комплекси бошқаруви тузилишини такомиллаштириш ҳамда кадрларни тайинлаш билан боғлиқ фармонларгача бор. Республика Президентининг Тошкент давлат дорилфунуни ташкил топганлигининг 70 йиллиги муносабати билан шу олий ўқув юрти жамоасига, Ўзбекистон шифокорларининг биринчи съездига ва Ўқитувчилар республика конференциясига, атоқли ислом олими ат Термизий таваллуд топган куннинг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция иштирокчиларига табриклари эълон қилинган.

Ахборотномада Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар бор, Президент Кенгаши аъзоларининг қисқача таржимаи ҳоли ва фотосуратлари берилган.

(ЎзТАГ).

● Форниш районидаги «Чимқўрғон» совхозининг «Кўктепа» ансамбли тез-тез чорвадорлар отарларида бўлиб ўз санъатларини намойиш этишади.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ — МУЛОҚОТ ЙЎЛИ

БУХОРОДА УЧРАШУВЛАР

Буюк ипак йўли халқаро экспедиция қатнашчилари 4 май кеч оқшом Бухоро воҳасига етиб келишди. Вилоят жамоатчилиги вакиллари уларни зўр шодиёна билан кутиб олдилар.

Бухоро бўйлаб сафарнинг дастлабки кунида меҳмонлар қадимий ва навқирон шаҳарнинг меъморчилик ёдгорликларини зиёрат қилдилар. Бозор расталарида шаҳарликлар билан яқиндан мулоқотда бўлиб, вилоятнинг бугунги нафаси билан танишдилар. Зардўзлар, мисгарлар ва бошқа халқ амалий санъати усталари намуналарини томоша қилишди. Экспедиция қатнашчилари тарихий меъморчилик музей қўриқхонаси кўргазмаси, шу жумладан, янгитдан ташкил этилган қадимий қўлёзмалар музейига ҳам ташриф буюрдилар. Меҳмонлар билан воҳа олимларининг Буюк ипак йўлига бағишланган илмий анжумани бўлиб ўтди.

Халқаро экспедиция иштирокчилари воҳанинг Свердлов ва Қоракўл ноҳиялари ҳудудидаги қадимий Варахша, Пайкент ва Шаҳристоннинг харобаларини бориб кўришди.

7 май куни экспедиция қатнашчилари Қоровулбозордаги жайрон парваришлаш қўриқхонаси илмий ходимларининг фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Буюк ипак йўли халқаро экспедицияси қатнашчиларининг Бухоро воҳаси бўйлаб сафар жараёнидаги ўзаро мулоқоти халқимизнинг бой маданий меросини ўрганишда дадил қадамга айланиб қолажак.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СЕН МЕНГА ТЕГМА, МЕН СЕНГА...»

Қаттақўрғон район партия комитети фаолиятида бундай кайфият яққол кўзга ташланиб қолди. Шу сабабли бу масала вилоят партия комитети бюроси ва вилоят партия назорат комиссияси раёсатининг қўшма мажлисида кўриб чиқилди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Каттақўрғон район партия ташкилотининг кейинги конференциясида партиясиз киши... райком аъзолигига сайланди. Ўша куни буни ҳеч ким билмаган. Фақат тўрт ой ўтгач, вилоят партия комитетининг аралашувидан сўнг райкомнинг пленуми С. Қўлдошева район партия комитети аъзолигидан чиқарди.

Райком котиби Б. Шомаматов, ташкилий бўлим мудири Р. Иноятова бундай кўз кўриб қулоқ эшитмаган ҳолни ўзларининг эмас, демократиянинг қусурига йўйишди. Воқеа райком бюросида «қаттиқ» кўрилганини айтишди.

— Ўзингизни оқлаш учун ёлғон гапириб нима қиласизлар, — деди вилоят партия комитетининг биринчи котиби П. Абдураҳмонов. — Қўлдошев партиясиз бўлатуриб райком аъзолигига сайланганида сизлар котибликка ўз номзодингизни кўйиш учун курашиб ётган эдингиз. Аммо райком бюроси аъзолари кейин ҳам бу шармандали ҳолга тегишли баҳо бермадилар. Масала ҳеч қаерда муҳокама бўлган эмас, ҳеч кимга чора ҳам кўрилган эмас...

Каттақўрғон район партия ташкилоти жуда катта имконият ва анъаналарга эга эди. Аммо ҳозирги кунда нима учун унинг нуфузи пасайиб кетди? Бунинг асосий сабаби район партия комитети раҳбарлари, хусусан, унинг бюроси аъзолари масъулиятдан қочишга уринаётганлигидадир. Райком аъзолари «Сен менга тегма, мен сенга тегмай» қабилида ишлашяпти. Ушбу масалани тайёрлаш чоғида вилоят партия комитети ходимлари ҳам бунга ишонч ҳосил қилдилар. Бюро мажлислари ва пленумларда фақат биринчи котиб М. Шодиевгина муаммоларга муносабат билдиради. Қолганлар қўл кўтариб ёки қарсак чалиб кетаверадилар.

Тельман номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Р. Иброҳимов район раҳбарларининг кўз олдида ўз мутахассисларига нисбатан ноқонуний ҳаракатлар қилди. У КПСС аъзолари — бош бухгалтер М. Маманов ва бош агроном С. Турсуновни партия комитети фикрини, қонунни инобатга олмай ишдан бўшатди. Улар ҳақида атрофидаги кишилар орқали ҳар хил гаплар тарқатди. Иккала мутахассисни жойига қайта тиклаш хусусидаги вилоят прокуратураси ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорларини ҳам писанд қилмади. Ачинарлиси шундаки, коммунист Р. Иброҳимовнинг бу хатти-ҳаракатлари ҳалигача район партия комитети бюросида кўриб чиқилган эмас. Райком бюроси аъзолари бир ярим йил давомида колхозчилар билан суҳбатлашишга вақт топа олмадилар, фақат «биринчи»нинг оғзига қарадилар. Бундан фойдаланган Р. Иброҳимов вақти-вақти билан вилоят партия қўмитетига гуруҳ-гуруҳ одамларни жўнатиб турди. Икки ёш мутахассис эса ҳамон сарсон-саргардон.

Халқ депутатлари район Кенгаши сессиясида 44-мактаб директори Ғ. Умаров район раҳбарлари шаънига аччиқ гапларни айтди. Айниқса, у ҳуқуқ-тартибот органлари ўз вазифаларини бажармаётганлиги хусусида қаттиқ гапирди. Ҳозиржавобликни қарангки, зудлик билан «қайсар» директор фаолиятини ўрганиш юзасидан район комиссияси тузилади. Комиссия хулосасига кўра, район халқ таълими бўлими Ғ. Умаровни ишдан олиб ташлайди. Қанча югуриб-югурдан кейин у яна ўз вазифасига тикланди. Таассуфки, бу воқеага ҳам райком бюроси аъзолари четдан кузатувчи бўлиб қараб турдилар. Яна ўша ақида иш берди: «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман...».

Бюро мажлисида қизиқ бир факт тилга олиб ўтилди. Район партия ташкилотининг назорат комиссияси аъзолари ўртасида район партия комитети бюросининг аъзолари фаолияти юзасидан сўров-рейтинг ўтказилган. Ана шу тадбир натижасига кўра биринчи котиб М. Шодиев — тўртинчи, иккинчи котиб Б. Шомаматов — учинчи, котиб Р. Қувватов эса бешинчи ўринни эгалладилар.

Балиқ бошидан... деганларидек, райком бюроси аъзоларининг қатъиятсизлиги партия Устави нормаларининг бузилишига имкон яратди. Конференциядан кейин райкомнинг бирорта ҳам аъзоси ўз номзодини кўрсатган бошланғич ташкилотга ҳисоб бермади. Партия йиғилишларида коммунистлар иштироки 70 фоиздан ошмаяпти. Аҳвол шу даражага бориб етганки, сув хўжалиги идораси бошланғич партия ташкилоти ҳисобида турган КПСС аъзолари С. Османов ва Р. Сарибоев бир йил давомида аъзолик бадалини тўламаганлар. Аммо улар на бошланғич ташкилот, на район партия комитети назарига тушмадилар.

Район халқ назорати комитети қўшиб ёзишга йўл қўйганлиги учун 182-қурилиш ташкилоти бўлим бошлиғи, бошланғич партия ташкилоти котиби М. Шариповга ҳайфсан берди. Аммо у ўз масаласини партия ташкилоти йиғилишида кўриб чиқишни эп кўрмади. Бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин.

Айниқса, район маъмурий органларида тартиб-интизом бўшашиб кетган. Бу ерда маънавий муҳит ниҳоятда ташвишли. 1990 йилда ички ишлар бўлимининг 14 нафар ходими интизомни бузганлиги учун жазоланди. Ана шу қоидабузарларнинг ярми КПСС аъзоларидир. Бултур милиция старшинаси Б. Шаропов ширакайф ҳолда тўппончадан ўқ узиб, навбатчи К. Назаровни жароҳатлади. Лекин воқеа фақат тўрт ойдан кейингина бошланғич партия ташкилоти эътиборига тушди. Умуман, бултур 1989 йилдагига нисбатан районда кўча ва жамоат жойларида содир бўлган жиноятлар 11,7 фоизга, маст ҳолда қинғир ишга қўл уришлар 2,3 мартага кўпайди.

Район партия комитетининг қатъиятсизлиги барча меҳнат жамоаларида кишиларнинг норозилигига сабаб бўляпти. Мисол учун, 1990 йилда вилоят партия комитетига Каттақўрғон районидан бурноғи йилдагига қараганда 1,2 марта кўп шикоят келган.

Вилоят партия комитети бюроси аъзолари район партия комитетининг яроқсиз иш услуби ҳақида жиддий баҳслашдилар. Бундай аҳволнинг сабаблари район партия комитети бюроси аъзоларидан сўралди. Минг афсуски, улар нуфузли мажлисда ҳам кўнгилларидаги гапни айтишмади. Бугунги гаплардан хулоса чиқарамиз, дейишди, холос.

— Очиғи, биз бюро мажлисига ё бормаймиз ёки борсак ҳам ўтириб, эшитиб келаверамиз, — деди «Пролетарий» жамоа хўжалиги бригадири Рисолат Мардонова. — Райондаги аҳвол учун шахсан мен ҳам жавоб беришим кераклигини ҳозир тушуниб турибман...

Вилоят партия комитети бюроси аъзолари ўз сўзларида район партия ташкилотидаги ташвишли аҳвол ҳақида кўплаб мисоллар келтиришди. Аммо ҳаммани бир савол ўйлантириб қўйди: ҳўш, партия ташкилоти обрўсини бу қадар тушириб юборган коммунист раҳбарларга қандай чора кўриш керак? Таклифлар жуда кўп бўлди. Ҳатто вилоят партия комитетининг биринчи котиби ҳам: «Эҳтимол барча раҳбарларни алмаштирамиз», деб луқма ташлади. Шунда бюро аъзоси, касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси М. Шодиева сўз олди:

— Каттақўрғон жуда обрўли район, — деди у. — Бу партия ташкилоти доимо тош босиб келган. Қолаверса, 7—8 йилдан бери уларни биринчи бор муҳокама қилишимиз. Шундай экан, бу қадар қаттиқ чора кўришимиз шартмикин?

Қолганлар ҳам худди шу таклифни кутиб ўтиришган эканми, ҳамма рози бўла қолди. «Райкомнинг биринчи котиби бетоб бўлганлиги туфайли унинг партиявий жавобгарлиги масаласи кейинга қолдирилсин. Райнжроком раиси, райком бюроси аъзоси Ш. Остоновга ҳайфсан берилсин...». Бюро қарорининг бошқа бандлари ҳам шундай сийловлардан иборат. Беихтиёр ўйлаб қоласан киши: район партия ташкилотида юз берган ташвишли аҳвол ортиқча кўнгилчанлик, эътиборсизлик, «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида ишлаш оқибати эмасмиди? Агар шундай бўлса, вилоят партия комитети бюросининг муросасозлик руҳидаги қарорини қандай тушуниш керак?

Ф. ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Қайта қуриш чорраҳаларида

ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АРМИЯ ХИЗМАТИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ

Тошкентда СССР Қуролли Кучлари бош штаби билан Ўзбекистон ССР ҳукумати ўртасида Ўзбекистон ССР фуқароларини ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш ва хизмат муддатини ўташни яхшилаш тўғрисидаги битимга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Т. А. Алимов олиб борди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Президенти идорасининг масъул ходимлари, ижроия комитетлар раисларининг ўринбосарлари — Қорақалпоғистон жумҳурияти, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чақирув комиссияларининг раислари, ҳарбий комиссарлар, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи, жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вакиллари қатнашдилар.

Битим қоидаларини амалга ошириш, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришни аниқ уюштириш масалалари муҳокама қилинди. Бу ўринда маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, ҳарбий комиссариатлар муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Фахрийлар ва бошқа жамоат ташкилотлари тушунтириш ишларида катта ёрдам беришлари мумкин.

Аҳолини иш билан банд қилиш асосий масала

● «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини иш билан банд қилиш: муаммолар ва истиқболлар» жумҳурият илмий-амалий анжумани Бутуниттифоқ мақомини олди.

Анжуман очилишидан бир неча кун олдин Қозоғистон ССР Давлат меҳнат комитети, Донецк бошқарув илмгоҳи, Ленинград молия-иқтисод илмгоҳи, Иркутск халқ хўжалик илмгоҳи, бир қанча етакчи жумҳурият корхоналари ва ташкилотлари ана шу анжуманда қатнашиш истагини билдирдилар. Муҳокамага қўйилган муаммоларнинг долзарблиги анжуманга бўлган эътиборни кучайтириб юборди.

Етакчи иқтисодчилар, аҳолишунослар, олимлар юзага келган нуфус ҳолатини ҳисобга олиб, бозор муносабатларини шакллантириш муаммоларини муҳокама қиладилар. Ёшлар снёсати сингари муҳим йўналишга алоҳида эътибор берилади.

ТОЗА ҲАВО УЧУН

● Жумҳурият давлат табиатни муҳофаза қилиш комитети билан Ички ишлар вазирлиги давлат автоинспекцияси бошқармасининг ташаббусига мувофиқ Ўзбекистонда 13 майдан 9 июнгача «Тоза ҳаво» тадбирининг биринчи босқичи ўтказилади.

Автомобиллар чиқараётган заҳарли моддаларни назорат қилиш учун жумҳурият давлат автоинспекцияси идораларидаги, автотранспорт корхоналари, автомобиль ремонти заводларидаги барча мавжуд назоратўлчов асбоблари ишга солинади. Биргаликда ўтказиладиган текширишлар режасида транспорт қатнови анча кучли бўлган жумҳурият шаҳарлари ва районлари белгилаб берилган.

● Самарқанддаги «Красний двигатель» заводи 12-цехи автоматчи токари Рафоат Сувонова ойлик топшириқларини 105—110 фоизгача адо этиб, сифатли маҳсулот топшираётир.

Ғ. АЛИЕВ туширган сурат.

ВИЛОЯТЛАРДАН ХАБАРЛАР

*

● ЕР ҚАЪРИДАН ОБ-ҲАЁТ

● СОҲИБКОРЛАР ҲИММАТИ

● УЙ БЕКАЛАРИ ҚУВОНЧИ

● ЗИҒИРМОЙ — ТАНСИҚ

● ТОМОШАЛАР УЗЛУКСИЗ БЎЛСА

*

Хива — қадимий шаҳар.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ХОРАЗМ

Нима? Қачон? Қаерда?

● ТАБОБАТ

ШИФОБАХШ СУВЛАР

Геологларнинг тадқиқотларини ўрганган Семашко номидаги тиббий даволаш ва тиббий тиклаш илмий-тадқиқот институти олимлари ер остида шифобахш қўллар мавжудлигини аниқлашди.

Икки йил муқаддам Хонқа пахта тозалаш заводи профилакторийсида дастлабки қудуқ қазилган эди. Қарийб 800 метр чуқурликдан шифобахш сув сизиб чиқди. Унинг таркиби турли моддаларга бой. Об-ҳаётдан фойдаланишнинг йўллари олимлар кўмагида ишлаб чиқилди. Ҳозир бу сув ўнлаб касалликларни даволашда қўл келяпти. Таркибининг бойлиги жиҳатидан Украинадаги «Трускавец», Кисловодскдаги ороргоҳларникидан кам фарқ қилади. Айрим хусусиятлари жиҳатидан эса устун туради.

Вилоятнинг бошқа жойларида ҳам шундай қўллар борлиги аниқланди. Улардан саломатлик йўлида фойдаланиляпти. Ҳозир бундай «булоқ»лар ўн жойда ишлаб турибди. Мутахассисларнинг фикрича шифобахш масканларни кўпайтириш учун кенг имконият бор. Бундай сувлардан фойдаланишнинг истиқболи қандай? Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими айни пайтда имкониятдан омилкорлик билан фойдаланиш режасини тузяпти. Хусусан, район касалхоналарида махсус қудуқлар қазиш кўзда тутилган. Табиийки, бунинг учун маблағ зарур бўлади. Бу борада жумҳурият мутасаддилари кўмаклашиб юборишса, айни муддао бўларди.

Шифобахш сувлардан инсон саломатлиги йўлида фойдаланиш истиқболи катта, кўплаб санаторий ва профилакторийлар қуриш мумкин. Бу билан жумҳуриятимиз аҳолисининг бошқа ерларга шифо излаб боришлари учун зарурат қолмайди. Ҳозирги шароитда бундай муассасаларда даво топишга ҳар кимнинг ҳам имконияти етарли, деб бўлмайди. Шундай экан, олдингдан оққан сувнинг қадрига етиб шифохона ва оромгоҳларни ўзимизда бунёд этсак, савобли иш бўларди. Бошқа жумҳуриятлар, қолаверса, ҳориждан келган кишиларга хизмат кўрсатиш билан моддий манфаатдорликка ҳам эришиш мумкин.

● ТАБИАТ ВА ИНСОН

ХАЙРЛИ ИШ

Йўқолиб бораётган дов-дарахтлар, гуллар, қушлар ва бошқа жониворларни асраб, авайлаш мумкинми!! Янгибозорликлар бу борада хайрли ишга қўл уришди.

Чунончи, «Ленинград» жамоа хўжалигида бунинг ўзига хос йўли топилди. Юз гектарли майдонда табиат боғи барпо этиляпти.

Шу мақсадда хўжаликнинг янги боғи танланди. Боғбонлар тобора камайиб кетаётган ўсимликлар уруғини саралаб, ерга қадашди. Жониворларнинг яшаши ва уларни парваришлаш йўллари ўрганиляпти. Бу борада мутахассислар алоҳида дастурга амал қилишмоқда. Мақсад Хоразмнинг йирик боғларидан бирини вужудга келтириш.

● НАВОИЙ ЙИЛИ

БЕШИНЧИ УМР

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» асари илк бор Огаҳий номидаги Хоразм мусиқали драма театри саҳнасида 57 йил аввал қўйилган эди. Асар ўтган йиллар мобайнида яна уч бор саҳналаштирилди. Яқинда бу ишқ достони Навоийнинг 550 йиллик тўйи муносабати билан яна томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Мухлислар мусиқавий драмани зўр қизиқиш билан кутиб олишди. Узоқ олқишлар янгради. Асарнинг муваффақиятли саҳналаштирилишида жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоблари — режиссёр И. Ниёзматов, Д. Оллоберганов, бош ролларни ижро этган Мунаввара ва Бахтиёр Омонбоевларнинг хизматлари катта бўлди.

● ҚУЛАЙЛИК

ШИФОХОНА ЯНГИ БИНОДА

Боғот районидаги марказий шифохона янги бинога кўчирилди. У яхлит комплексга эга бўлиб, бир йўла 240 беморни даволаб ва 360 кишига хизмат кўрсатиш клиник-диагностика бўлимига эга. Қиймати беш миллион сўм турадиган бу бинони Туямўйин гидроқурилиш трестига қарашли 2-қурилиш монтаж бошқармаси бунёдкорлари барпо этишди.

● ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

ЗАМОНАВИЙ ЖУВОЗЛАР

Бўзқалъалик Ортиқ ота Ҳасанов қарийб ўн йилдирки, ошқозон касаллигини шифохонага ётмай даволайди. Унга Боғот район Наримонов номли жамоа хўжалигидаги жувозхонада тайёрланган кунжут мойи маъқул келиб қолди. Эндиликда отанинг узоқдаги хўжаликка боришига ҳам ҳожат қолмади. Унинг ташаббуси билан она қишлоғида жувозхона ишга туширилди.

— Жувознинг ишлаши оддий, — дейди Ортиқ ота. — Электр двигатели эски жувоз усулида ясалган қурилмани ҳаракатга келтиради. Ўн килограмм кунжутдан беш килограмм мой, шунча кунжара олиш мумкин. Ҳар килограмм зиғирнинг учдан бири ҳисобидан ёғ олинади. Қулай тарафи шундаки, жувоздан исталган уруғни чиқариш мумкин.

Янгибозор районидаги «Ленинизм» жамоа хўжалигида фойдаланишга топширилган жувознинг имкониятлари катта. Тез орада унинг иккинчиси ҳам ишга туширилади. Хом-ашё ҳам етарли. Урганч ёғ-мой комбинати ҳам ёрдам бериб турибди. Хусусан, комбинат жамоаси чигит билан таъминлашни зиммасига олган. Айни кунларда Хоразмдаги олтита хўжаликда жувозхоналар ишлаб турибди. Уларни яна кўпайтириш кўзда тутилган. Мақсад бозор шароитида ёғ корхонасига эга бўлиш билан аҳолига қулайлик яратишдир.

● ҲАМКОРЛИК

УРГАНЧ ЭКСКАВАТОРИ

Урганч экскаватор созлаш заводи Донецк корхонаси билан кўп йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келади.

Илгари урганчликлар бу машинани созлаш билан шуғулланишарди. Ҳамкорлик самараси туфайли ҳозир экскаватор ишлаб чиқаришга киришилди.

Корхона ишчилари яқинда дастлабки машинани тайёрлашди. Унинг конструкцияси бирмунча такомиллаштирилган бўлиб, Оролбўйи шароитида ишлаши ҳисобга олинган. Ҳозир завод конвейеридан бешта машина чиқди. Йил охиригача бу рақамни элликтага етказиш кўзда тутилмоқда.

● САВОБЛИ ИШЛАР

ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Қишлоқда яшовчи ҳар бир киши ўз уйида «зангори олов» ёнишини, водопровод сувн оқиб туришини исташи табиий.

Гурлан районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги иқтисодий режаларни бажариши, даромадини етарли бўлишига қарамай ижтимоий соҳада камроқ ишлар қилганлиги маълум. Хўжалик бошқаруви раислигига Йўлдош Сафарбоев сайлангач, бу борада хайрли ишларга қўл урилди.

Раиснинг ташаббусидан кўпчилик мамнун бўлди. Қисқа фурсат ичида 403 хўжалик газ билан таъминланди. 4 та қишлоққа водопровод қувурлари ётқизилди. Бу йил хўжаликда 205 километрли «зангори олов», бир миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган водопровод қувурлари ётқизиш ишлари бажарилади. Бундай бунёдкорликни махсус кўчма механизациялаштирилган идора қурувчилари амалга оширишмоқда.

● «ЎҚИТУВЧИ—91»

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Ўқувчиларнинг имтиҳон топшириш-ларига одатланиб қолганмиз. Зотан, ўқитувчи-мураббийларнинг имтиҳон топшириш-лари ҳам қизиқарли ўтаркан. Улар яқинда Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрида ўзларининг билимдонлик маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

«Ўқитувчи—91» Бутуниттифоқ кўрик-танлови доирасида ўтказилган ўзига хос беллашувда 14 нафар педагог иштирок этди. Ўқитувчилар ажратилган маълум вақт ичида ўз билимдонликларини намоён қилиб, турли саволларга жавоб беришди. Боғотдаги ихтисослашган 92-мактаб-интернат ўқитувчиси Илҳом Отажонов ғолиб, деб топилди. Хазоросплик О. Рўзимов, урганчлик М. Бочкарёва, хивалик Р. Собировлар ҳам фахрли ўринларни эгаллашди.

● САХОВАТ

ИЖОДКОРЛАР ГУЛШАНИ

Ўтган йилнинг Наврўз айёмида Урганч районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги боғи меҳмон ва мезбонлар билан гавжумлашиб, куй-қўшиқлар янграган, каттаю кичик нав-ниҳол экиб боғни кенгайтирган эди. Ўшанда бу ерда «Совет Ўзбекистони» дўстлари боғи очилганди.

Шундан буён орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Боғ янада гўзаллашиб кетди. Экилган барча ниҳоллар тутиб, мева тугди. Бу ердаги ижодкорлар уйида эса тез-тез учрашувлар ўтяпти.

— Бу боғнинг ишга тушиши қишлоғимизга маърифатнинг янгича қирраларини олиб киряпти, — дейди жамоа хўжалиги раиси Қ. Зарипов. — «Совет Ўзбекистони» рўзномаси тарихи юртимиз истиқболини аниқ тасаввур этишимизга кўмак беради. Бинобарин жамоа хўжалигимиз тарихини яратиш учун ҳам имкон туғилди. Ҳозир шу йўналишда ишлар бошлаб юборилди.

Хоразмда рўзнома ва ойномалар номида боғлар барпо этиш яхши анъанага айланмоқда. Жумладан, «Ёш ленинчи» боғига ҳам асос солинди. Пайти келиб, уларда ҳам қўллари қаламдан қаварган ижодкорларнинг умидлари мевали ниҳолларда барқ уриб рўёбга чиқади. Хоразмлик ижодкорлар фақат шу билан чегараланиб қолаётганлари йўқ. Уларнинг ташаббуси билан Огаҳий, Навоий, Паҳлавон Маҳмуд, Абдулла Қодирий, Шерозий, Комилжон Отаниёзов каби улуғ шоир, ёзувчи ва санъаткорларнинг номлари ҳам энг сўлим гўшаларда абадийлаштирилди.

Хоразмда ижодкорлар, ойнома ва рўзномалар номидаги боғлар барпо этилаётганлиги халқнинг уларга нисбатан ҳурмат-эътирофи ифодаси, маънавий юксаклигининг амалий кўринишларидир. Боғлар қошидаги ижодкорлар уйлари маърифат масканлари сифатида ҳам хизмат қиляпти. Шу боис бундай хайрли тадбирлар қўллаб-қувватланса, янги-янги боғлар яратиш йўлида изчил иш олиб борилса айни муддао бўларди.

● ОЙНАИ ЖАҲОН

ТОМОШАБИНЛАР РАНЖИМАСИН

Ўринбой ота пенсияга чиққан. Халқ қўшиқларига ихлоси баланд. Ойнаи жаҳон дастуридаги дил тортар томошаларни олдиндан белгилаб қўяди. Ўзбекистон телевидениеси Алишер Навоий ва ўзбек халқ мусиқий мероси ҳақида кўрсатувни режалаштирганидан суюниб, албатта кўришни кўнглидан ўтказди. Афсуски, ниятига етолмай қолди. Бунга фақат телевидениедаги муаммолар сабаб бўлди. Отанинг асаби таранглашди, кўнгли ранжиди.

Гап шундаки, ўша куни Ўзбекистон телевидениеси орқали Хоразм телекўрсатувининг «Иқтисод ва ҳаёт» томошалари кўпчиликнинг эътиборига ҳавола этилди. Албатта, урганчлик Ўринбой Ҳайитбоевнинг ранжиб қолишида вилоят телевидениеси ходимларининг айби йўқ. Боиси улар кунига бир соат атрофида кўрсатувлар тайёрлашади. Чунки, махсус канал йўқ. Шунинг учун ҳам ўзлари кўрсатув бошлашганида Тошкентнинг томошаларини тўхтатиб туришга мажбур бўлишади.

— Томошабинлардан кўплаб эътирозли хатлар олиб турамиз, — дейди Хоразм телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг раиси Матризо Қурамбоев. — Телефон орқали оғзаки мурожаатлар бўлиб туради. Лекин муаммони ҳал этиш бизга боғлиқ эмас. Жумҳурият телевидениеси канали орқали ҳафтасига олти кун экранга чиқишимиз зарур. Кўрсатувларимизни Хоразм вилоятидан ташқари Қорақалпоғистоннинг жанубий минтақаси, Тошҳовуз вилоятининг каттагина қисми меҳнаткашлари томоша қилишади.

— Муаммони ҳал этишнинг бошқа йўллари йўқми? Наҳотки Хоразм телевидениеси томошалари учун алоҳида канал ажратишнинг иложи бўлмаса.

— Ҳозирги имкониятларимиз бунга йўл бермайди. Алоҳида канал бўйича кўрсатувлар уюштириш учун янги иншоот зарур. Бунинг учун катта маблағ керак. Бу борадаги мурожаатларимизга қулоқ солиб, муаммони ҳал этадиган одам топилмай турибди. Сирасини айтганда, масалани маблағсиз, янги қурилмасиз ҳам ҳал этса бўлади. Агар томошабинлар талабига қараб иш юритадиган бўлсак, марказий телевидениенинг биринчи программасидан шу мақсадда фойдаланишимиз мумкин. Бунга жумҳурият телевидениесининг маҳаллий эшиттиришлар бош редакцияси ижозат этиши даркор.

Масалага бир томонлама ёндашиб бўлмаслигини унутмайлик. Хоразм телекўрсатувларини кўпчилик ёқтиради. Кейинги пайтларда ижодий жамоада бир қатор ибратли ишлар қилинди. Айни пайтда Тошкент телекўрсатувларининг ихлосмандлари оз эмас. Бир сўз билан айтганда мухлисларни ранжитмай, холис йўл танлаш бу борада қилинган савобли иш бўлади, деган умиддамиз.

Ахборотлар туркумини Хоразм вилояти бўйича мухбиримиз Абдурауф ҚОРЖОВОВ тайёрлаган.

ФУТБОЛ:

БУЁҒИ НИМА БЎЛАРКИН?

Олий лига жамоалари мамлакат чемпионатининг дастлабки давраси ўйинларини муваффақиятли ўтказиб, довон ошишга ҳаракат қилмоқдалар. Футболчилар яна бештадан ўйин ўтказгач, оралиқ маррадаги натижалар саҳрисоб қилинади. Афсуски, не умидлар билан олий лигага йўлланма олган «Пахтакор» мухлислар ишончини оқламаяпти деса бўлади. Сафар учрашувларида кетма-кет мағлубиятга учраб, очколар йўқотиб келган футболчиларимиз ўз майдонларида ишқибозларни қувонтирадилар, деб тахмин қилинган эди. Негадир мезбонларнинг ўйинлари сира қовушмади. Узаро ҳамкорлик, тўпни аниқ оширишлар, меҳмонлар дарвозаси ёнида хавфли, айни пайтда таҳликали вазиятларни юзага келтиришлар қани? Аксинча пахтакорчилар билан майдонда куч синашган «Помир» футболчилари ташаббус билан ҳужумкорликка зўр беришди. Майдон эгаларининг мудофаада бўшлигидан фойдаланишга усталик билан ҳаракат қилишди. 16-минутда Ю. Бутуренко ҳисобни очди. 37-минутда И. Шквирин ҳисобни тенглаштирди. 56-минутда Ч. Муҳадов ғалабани мустаҳкамлади. 71-минутда И. Шквирин яна ўзини кўрсатди. Шундай қилиб, пахтакорчилар ўз майдонларида қимматли очко йўқотишди. «Помир» очколарини 10 тага етказиб, мавқеини анча мустаҳкамлади. Хуллас, пахтакорчилар қолган ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказиб, ҳаракатларида бурилиш ясамасалар бой берилган имкониятларни тиклаш осон бўлмайди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун қуйидаги ихтисослар бўйича 1991 йилга

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Даражаланган тенгламалар, шаклан ўзгарадиган қаттиқ жисм механикаси, физикавий электроника, ноорганик кимё, органик кимё, физикавий кимё, юқори молекуляр бирикмалар кимёси; рудали ва норуда қазилма конлари геологияси, уларни излаш ва қидириб топиш, металлогения;

Фойдали қазилма конларини излаш ва қидириб топишнинг геофизикавий усуллари, электр машиналари, яримўтказгичли электр қувватини ўзгартиргичлар; табий муҳитни текшириш асбоблари ва усуллари, материаллар ва буюмлардаги моддалар; техникавий системаларда бошқарув, ҳисоблаш техникаси ва бошқариш системаларнинг элементлари ва қурилмалари, автоматлаштирилган бошқарув системалари; ҳисоблаш машиналари, системалар ва тармоқлар комплекслари; электр станциялари, тармоқлари, электр қуввати системалари ва уларни бошқариш; саноат иссиқлик энергетикаси, иссиқлик техникасининг назарий асослари, иссиқлик электр станциялари, фойдали қазилма конларини очиқ ишлаш, нефть газ конларини ишлаш ва улардан фойдаланиш, оғир (ёки асосий органик) синтез маҳсулотлари технологияси, пластик массалар ва шиша—пластиклар технологияси ва уларни қайта ишлаш, кимё технологияси жараёнлари ва аппаратлари; мойлар, эфир мойлари ва атир—упа—элик маҳсулотлари технологияси; озиқ—овқат саноати жараёнлари, машиналари ва агрегатлари, ёғочга ишлов беришга оид ишлаб чиқаришнинг технологияси ва ускуналари, ёғочсозлик; қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар; иссиқлик таъминоти, шамоллатиш, ҳавони мўътадиллаштириш, газ таъминоти ва ёритиш; қурилиш материаллари ва буюмлари, геодезия, КПСС тарихи, сиёсий иқтисод; халқ хўжалиги ва унинг тармоқларида иқтисод, режалаштириш ва бошқаришни ташкил этиш; диалектик ва тарихий материализм, илмий социализм ва коммунизм назарияси; меъморлик назарияси ва тарихи, меъморлик ёдгорликларини таъмирлаш; бинолар ва иншоотлар меъморлиги.

АРИЗАЛАР — 1991 ЙИЛ 15 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1991 йил 15—30 май кунлари, олий ўқув юртлари дастури ҳажмида қуйидаги фанлардан топширилади: фалсафа, чет тиллар (инглиз, немис, француз) ва махсус фан.

Аспирантурага қабул қилинган бошқа шаҳарлик илм толибларига ётоқхонадан жой берилади.

Кириш имтиҳонларига қўйиш туғрисидаги ариза қуйидаги ҳужжатлар билан бирга ректор номига қуйидаги манзилга юборилади (синов дафтарчасидан кўчирма билан диплом нусҳаси, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, илмий ишлар рўйхати, таржимаи ҳол ва 3x4 см. ҳамда 4x6 см. катталикдаги 2 тадан фотосурат): Тошкент шаҳри, Мирошкин кўчаси, 2—уй.

ТЕЛЕФОН 46—87—82.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАҲБАР ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИЛМГОҲИ

кафедралар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

иқтисод, хўжалик механизмини такомиллаштириш ва бозор муносабатлари: **мудир** (фан доктори, фан номзоди), **профессор** (фан доктори) — 1 ва 0,25, **доцент** (фан доктори, фан номзоди), **катта ўқитувчилар** (фан номзодлари) — 2 ва 2 таси 0,25 ўрин;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофазалаш: **мудир** (фан доктори, фан номзоди), **катта ўқитувчилар** (фан номзодлари) — 3;

сув хўжалиги комплексида илмий-техника тараққиёти: **мудир** (фан доктори, фан номзоди); **доцентлар** (фан докторлари, фан номзодлари) — 2, **катта ўқитувчилар** (фан номзодлари) — 2;

гидромелиоратив системаларни ишлатиш; **мудир** (фан доктори, фан номзоди), **доцент** (фан доктори, фан номзоди), **катта ўқитувчилар** (фан номзодлари) — 2;

ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш; **мудир** (фан доктори, фан номзоди), **доцент** (фан доктори, фан номзоди) — 1 (0,25), **катта ўқитувчилар** (фан номзодлари) —2.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 10 МАЙГАЧА.

Ҳужжатлар, танловлар тўғрисидаги низомга мувофиқ, қуйидаги манзилга юборилсин: 700128, Тошкент шаҳри, Парашютная кўчаси, 17-уй.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

лабораториялар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: болалар ва ўсмирлар гигиенаси, овқатланиш гигиенаси (фан докторлари ва номзодлари);

катта илмий ходимлар: гигиенадаги тиббий-биологик тадқиқотлар, сув ва тупроқ гигиенаси, овқатланиш гигиенаси, қишлоқ гигиенаси;

кичик илмий ходимлар: касб касалликлари клиникаси, ташҳиси ва даволашни ўрганиш бўйича (2); аҳоли саломатлигини атроф муҳит билан боғлиқликда ўрганиш бўйича, атмосфера ҳавоси гигиенаси, заҳарли моддаларнинг таҳлилий кимёси, гигиенадаги тиббий биологик тадқиқотлар, болалар ва ўсмирлар гигиенаси.

Танлов муддати — 20 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700056, Тошкент шаҳри, Циолковский кўчаси, 325-уй.

Телефонлар: 65-26-42, 65-08-69.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги вазирлик қабулхонаси мудири И. Х. Ҳамроевга отаси

Ҳамрохўжа ИБРОҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Республика ва Тошкент шаҳар «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг маъмурияти, фирқа ва касаба уюшмаси қўмиталари, дорихона жамоалари кекса доришунос, пенсионер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Маҳкам Умарович ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР матбуотда ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида давлат сирларини сақлаш Бош бошқармаси жамоаси бошқарма ходими Х. Тургуновга онаси

Манзура СОҚИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот вазирлигининг кўп функцияли ўқув комплекси жамоаси ўқув қисми мудири Г. С. Каримовага умр йўлдоши

Санъон СУЛТОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 5381.

№ 87. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12